ОБМЕНА
6 ЯНВ 1991

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

ХАЛК СЎЗИ

خلق سوزی

1991 ЙИЛ, 15 ЯНВАРЬ СЕШАНБА
№ 10
ҲИЖРИЙ ҚАМАРИЙ 1411 ЙИЛ ЖУМОДИУЛ ОХИР, 28-КУН, ШАМСИЙ 1369 ЙИЛ ЖАДИЙ 28-КУН

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январда таваллуд топган

НАРХИ ОБУНАЧИГА 7 ТИЙИН, СОТУВДА 10 ТИЙИН

000001 РАҚАМЛИ ГУВОҲНОМА

Узбекистон ССР Министрлар Совети
Узбекистон ССР Давлат матбуот комитети

Вақтли нашрнинг рўйхатга олинганлиги тўғрисида

ГУВОҲНОМА

1990 йил 26 декабрь
000001 сон

Нашрнинг номи „Халқ сўзи"
(асл нуса тилида ва унинг
русча таржимаси)

Нашр тури газета
(журнал, газета ва ҳоказо)

Қайси тил(лар)да босилади ўзбекча

Муассис Узбекистон ССР Олий Кенгаши. Тошкент ш.
(тўла номи ва манзилгоҳи)

Узбекистон ССР Давлат матбуот комитети раиси (имзо)

Муштарийлар бахтига

«ДОСТЛИК ТУЫ» ТУҒИЛДИ

Янги йилнинг илк тонгида таваллуд топган «Халқ сўзи»нинг бугун баҳри бутун. У укалик, жигарлик бўлди. 10 январь куни ана бир янги рўзнома — «Дослик туы»нинг биринчи сони муштарийлар эътиборига ҳавола этилди.

Бозор иқтисодиёти талвасасидаги ташвишли, таҳликали, басаранжом замонда рўзнома чиқариш ҳам осон эмас. Бино, қоғоз, техника топиш каби муайян қийинчиликлару мушкулотларни енгиб муштоқ муштарийларинг кўнглига чироқ ёққан қозоқ ҳамкасбларимизга тасанно!

«Достлик туы» — дўстлик байроғи дегани. Рўзнома илк сониданоқ таҳририят аъзолари унинг исми жисмига монанд келишига эришмоқчи эканликлари сезилиб турибди. Биринчи саҳифада қардош-қурдош, элдош-овулдош, оға-ини, қудаанда икки халқнинг асрлар бўйи таркиб топиб синалган муқаддас дўстлиги рамзи сифатида Узбекистон ва Қозоғистон жумҳуриятлари Президентларининг қучоқлашиб турганлари, саммий чеҳралари акс этган сурат берилган. Қолган саҳифалардаги мақолалар ҳам ўзбек ва қозоқнинг тариху тақдир тўфонлари ичра кўп нарсаларни йўқотиб бўлса-да, қалбларининг энг тубида, кўзларининг қароғида асраб-ардоқлаб келаётган энг юксак ҳислар — қариндошлик, ака-укалик, биродарлик, ўзаро меҳр-муҳаббат туйғулари билан йўғрилган.

Дўстликни қадрлаган, куйлаган, авайлаган зинҳор хор бўлмас. Йўлинг тилагингдек мунаввар бўлсин, «Достлик туы»!

«ХАЛҚ СЎЗИ»НИНГ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ.

Қайта қуришда шахснинг ўрни

ЖИЗЗАХНИНГ БУГУНГИ ҲОКИМИ

1989 йилнинг декабрь ойи. Қиш бўлса ҳам кунлар илиқ. Аҳмаджон Соатов вилоят партия қўмитасида масъул ташкилотчи бўлиб ишлаб турган кунлар эди. У Жиззах шаҳар партия қўмитасининг навбатдаги пленумидан хабардор бўлса ҳам, биринчи котибликка сайланишини тасаввур қилмаганди. Уша куни номзодлар қаторида унинг фамилияси ҳам пайдо бўлди. Бу шаҳар жамоатчилиги, айниқса бир гуруҳ отахонларнинг иши эди. Улар пленум куни шаҳар партия қўмитасига келиб «Ўзимизнинг илгариги ижроқўммимиз раиси Аҳмаджонни биринчи котиб қилиб берасизлар» деб туриб олишди. Сайловда жамоатчилик тилаги вожиб бўлди. Қутлашлар тугаб улгурмай А. Соатов шаҳар Совети раислигига ҳам сайланди. Энди ҳар хил мулоҳаза-ю, андишага вақт йўқ. Уни тилаб олган шаҳар аҳли ишончини оқлаш учун ишлаш, ишлаш ва яна ишлаш зарур эди.

— Биз илк қадамни шаҳар Совети раҳбарлари билан маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида учрашувлар ўтказишдан бошладик, — дейди Аҳмаджон Соатович. — Бу ўзига хос маслаҳат кенгаши эди.

— Хўш, қайси муаммолар биринчи навбатдаги вазифа деб топилди? — сўраймиз ундан.

— Эҳ-ҳе, уларнинг қайсисини айтай. Бири-бириди долзарб ишлар кўп экан, — дейди у. — Мана, шаҳар тозалиги масаласи. Жиззахда шаҳар йўлларини тўғрилаб кенгайтириш, чала қолганларини охирига етказиш борасидаги ҳаракатини жумҳурият Автомобиль йўллари қурилиши вазирлиги маъқуллади. Ана шу ишлар учун 1990 йилнинг ўзига бир миллион сўм маблағ ажратишди. Йўлсозлар фурсатни бой бермай, қарийб 20 йилдан буён чала ётган Ленин, Ульянов шохкўчаларини ниҳоясига етказишга жадал киришдилар. Жиззах шаҳрига олиб кирувчи 4 километрга яқин Тошкент магистраль кўчаси эни 24 метр қилиб кенгайтирилди, қирғоғига бетон ариқча ётқизилди.

Вилоят уруш ва меҳнат фахрийлари сардори Зокир ота Санақулов шаҳарда миллий усулда барпо қилинган чойхона йўқлигидан нолиди. Бу Жиззахнинг файзли чинорлари — оқсоқолларнинг армони эди.

— Келажакдан умидвор ҳар бир киши, — дейди сўзини давом эттириб Аҳмаджон Соатович, — ўтмишини ардоқлаши лозим. Ҳақиқатда шаҳримизда оқсоқоллар қўр тўкиб, чойлашиб, суҳбатлашадиган тайинли жой йўқ экан.

Яқинда шаҳарнинг қоқ марказида шарқона анъаналар руҳида «Бешқўвур» отлар чойхонаси қуриб битказилди.

Марҳум Сеид Мамедович Тоиров номини жиззахликлар ҳурмат билан тилга оладилар. С. Тоиров вилоят халқ хўжалигини барпо этишда жонбозлик кўрсатган, одамлар ёдида қоладиган кўп иш қилган эди. Шаҳар ўртасидаги «Етимтоғ»да яратилаётган «Гунча» болалар боғи ҳам асли ўша киши даврида қурила бошланган эди. Собиқ обком котибининг орзуси бўйича тоғ ёнбағри боғу бўстон бўлиши, гир айланасига олти километр узунликда болалар темирйўли, энг чўққига «Ой» номли кафе қурилиб, болаларга совға қилиниши мўлжалланганди. Афсуски, Сеид Тоиров орзусига етмади...

Аҳмаджон Соатов тоғда қилинаётган ишларни бизга кўрсатиш учун янги ётқизилган темир йўл шпалларидан илдам юриб борарканд, мамнунлик билан шундай деди:

— Тоиров армонини амалга ошириш бизга насиб қилганидан хурсандмиз.

У беш-олти кун олдин Орехово-Зуево шаҳридан олиб келтирилган, рельсларга ўрнатилган иккита тепловознинг устига ёпилган брезентни кўтариб кўрсатаркан, сўзида давом этади:

— Ажойиб-а? Тўртта вагони билан 254 минг сўмга тушди. Вагон-ресторани ҳам бор. Биласизми, биз бунга қандай эришдик?

«Йўқ», дегандай, суҳбатдошимизга қулоқ тутамиз.

— Биз машинасозларга помидор ва трикотаж кийимлар юбордик. Хуллас, айрибош қилдик. Қалай? Боғ қурилиши учун бир миллион сўм ажратдик. Бунча пулни қаердан топдингиз, дерсиз? Шаҳримиздаги ширкатлардан. Ҳа-ҳа, ширкатчилар кўрилган фойданинг бир қисмини Совет ҳисобига ўтказишади. Қурилишни ҳам «Артель» ширкати олиб бораяпти.

Жиззах Свердловск вилоятининг Первоуральск шаҳри билан биродарлашган. Бу ҳамкорлик йилдан-йилга мустаҳкамланмоқда. Бордикелди шартларига кўра жиззахликлар полиз, сабзавот, мева ва турли саноат маҳсулотлари етказиб бериб, первоуральскликлардан ҳар хил йўғонликдаги қувурлар, металл конструкциялари, қурилиш ҳамда ёғоч материаллари олиб туришибди. Новгород вилояти ва Коми мухтор жумҳурияти билан ҳам шундай ҳамкорлик бошлаб юборилди.

Бундай алоқаларнинг йўлга қўйишу даражада кўп чиқинди тўпланиб қолган эдики, юзга яқин машина икки ойча ахлат ташиди.

Қаровсиз жойлар ва камчиликлар видеоленталарга туширилиб, шаҳар Совети сессиясида, фаоллар йиғилишида, маҳалла ва корхоналарда кўрсатила бошланди. Бу тадбир кутилмаган самара берди: шаҳар кўчалари, майдонлари тартибга кела бошлади. Дарахтлар буталди, бир текисда оқланди. Бу саъй-ҳаракатлар раҳбариятга нисбатан жамоатчилик фикрини ижобий томонга ўзгартирди. Одамларнинг дилида димланиб юрган армонлари тилига тепчий бошлади.

— Ўғлим, — деди бир учрашувда меҳнат ветерани Неъмат бобо Юсупов, — энди сиз шаҳар ҳокимисиз. Қадимда шаҳар ҳокимлари савобга мойил бўлиш учун бозор, йўл қурган, сув чиқариб, дарахт экканлар...

Отахоннинг бу гапидан эндигина ўттиз етти баҳорни қаршилаган Аҳмаджоннинг миясида яхши бир фикр ярқ этди. Дарҳақиқат, Жиззах бозорлари тор, кўримсиз, ноқулай. Йўллари носоз. Транспорт қатнови талабига мутлақо жавоб бермайди. Шаҳар азалдан сувга ташналик сезади. Шунинг учун бу ерда баҳордаги ям-яшиллик узоққа чўзилмайди.

Ғалабанинг 40 йиллиги номли, «Заргарлик» ва бошқа янги даҳаларда эса аҳоли ҳафталаб сувсиз қоладиган пайтлар бўлади. Муаммони ҳал қилиш учун каттa маблағ ажратилиши, Самарқанддаги Қоровултепа сув омборидан то Жиззахгача (70 км) улкан қувурлар ётқизилиши зарур. Хуллас, бу жумҳурият ҳукумати аралашмаса ҳал бўлмайдиган иш.

Неъмат бобонинг гапи туртки бўлди-ю, бозордаги эски, яроқсиз бинолар бузилди. Кўп ўтмай улар ўрнида янги, замонавий ёпиқ бозор қад кўтарди. Мутахассисларнинг айтишларича, шифти ойнаванд, ёп-ёруғ бу қулай иншоот тўрт юз минг сўмга тушибди. Бош планга асосан 1993 йилгача ана шундай иншоотдан тўрттасини қуриш режалаштирилган.

Неъмат бобонинг «йўл қуринг» деган гапини ҳам фариштаҳар ижобатга олган эканлар. Аҳмаджоннинг лишида Аҳмаджоннинг Ленинград олий фирқа мактабида орттирган дўстлари ёрдами ҳам қўл келаяпти. У фирқа мактабида бошланган шахсий дўстликнинг бир кун келиб бутун бошли шаҳар, вилоятлар ҳамкорлигига сабаб бўлишини сира ўйламаганлигини ҳаяжонланиб сўзлайди.

— Мана, кечагина Новгород вилояти Волосток район партия қўмитасининг биринчи котиби Сергей Петрович Розев кўнгироқ қилди. Икки вагон тахта юбордик, қабул қилиб ол, — дейди азамат. У билан ётоқхонада бирга турган эдик. Зўр йигит-да ўзиям. Бирга ўқиган дўстлар билан ёзишиб, гаплашиб турамиз. Кўпи масъул ишларда, иқтисодий алоқалар ўрнатсак, бордикелди қилсак дейишади. Улар ёрдамида консерва тайёрловчи, саноат чиқиндиларини қайта ишловчи цехлар қуришни режалаштириб турибмиз...

— Афсуски, чет элликлар билан гапимиз гапимизга қовишиб кетавермаяпти. Биз билан қўшма корхоналар қуришга ишқибоз мамлакатлар кўп. Мана, масалан америкалик тадбиркорлар шаҳримизда «жинси» ишлаб чиқарадиган корхона қуриш истагини билдиришаяпти. Техника, технология улардан. Ишчи кучи, хом ашё биздан. Бироқ ҳисоб-китобларга тақалганда келишолмай қолаяпмиз. Хитой, ГФР, ҳатто Гонконг билан ҳам шундай бўлди. Мен сизга айтсам, бу бизнинг тартибларимиз, иш юритиш масалаларини мустақил ҳал қилишга ноқобиллигимиздан. Яна бир гап — тил билмаслигимиз, ҳисоб-китобда мутахассис сифатида ўта саводсизлигимиз ҳам қўл-оёғимизни боғлаб қўяди. Нега? Дейлик, чет эллик мутахассислар келишди. Деярли ҳаммаси инглиз тилини билади. Биз эса бу тилда ҳатто икки оғиз ширин сўз айтиб, уларнинг қулфи дилига йўл тополмаймиз. Таржимон орқали саломлашгач, улар ўз таклифларини баён қилишади. Табиийки, биз ҳам ўз талабларимизни кўндаланг қўямиз. Шу пайт чет эллик чўнтагидан гугуртдек электрон ҳисоблагични чиқариб, бир-икки чиқиллатади-да, бўлади ё бўлмайди даб жавобини айтади. Еки ўзига мақбул иқтисодий кўрсаткични таклиф этади. Бизнинг мутахассисларимиз бунинг фойда-зиёнини чиқариб, марказ билан келишгунча камида иккиуч ой ўтади. Бу борада эса «поезд юриб кетган», жавоб кутиб диққати ошган чет эллик бўлса дунёнинг аллақайси бурчагида корхона қурилишини бошлаб юборган бўлади.

Аҳмаджон Соатовнинг бу сўзлари аччиқ бўлса ҳам ҳақиқат. Бироқ дунёда битмайдиган иш йўқ. Жумладан, чет элликлар билан иқтисодий алоқаларда ҳам. Аммо қандай қилиб? Бу саволга ҳам А. Соатовнинг ўзи жавоб беради:

— Зудлик билан ишбилармон, ҳисобдон мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйишимиз, корхона ва идораларда, ҳатто маҳаллаларда ҳам инглиз тилини ўргатувчи курслар очишимиз, мактаб ва ўқув юртларида эса тезроқ шу тилни ўрганишга киришишимиз керак. Токи бизга ҳамкор киши билан қеч кимнинг воситачилигисиз дилдан гаплашайлик.

Ҳа, Жиззах саксонинчи йиллар бошида жумбоқлари, муаммолари мўл шаҳарга айланиб қолган эди. Сабаби — пойтахтдаги айрим вазирлик ва идораларнинг раҳбар ходимларида Жиззах ўз пайтида керагидан ортиқча таъминланган, деган нотўғри тушунча бор эди. Оқибатда, аҳолини ичимлик суви, электр қуввати, газ билан таъминлаш ўта ёмон аҳволга тушиб қолди. Ҳозир ҳам 7 минг ўринли болалар боғчаси, 20 минг ўқувчига мактаб етишмайди.

Ҳайриятки, бу қараш кейинги пайтларда бироз юмшади.

— Хуллас, иш кўп, энг муҳими — вазифаларимиз аниқ, — дейди сўзининг охирида Аҳмаджон Соатович. — Уларни амалга ошириш учун тинмай югуриш, йўл қидириш, изланиш керак. Муаммоларимизни бартараф этишда эса яна халқнинг ўзи шўролар ҳокимиятига, унинг ижроқўмларига ёрдам бераяпти. Демак, биз эл билан биргамиз.

Шу бирлик, шу яқинлик боқий бўлсин, барқарор бўлсин!

Абдунаби БОЙҚУЗИЕВ,
«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.

ЙЎЛ ҚУРГАН ЕТАР МУРОДГА

Район ва вилоят марказларига борадиган асфальт ётқизилган саккиз километрлик йўл Пахтаобод районидаги «Коммунизм» ва «Андижон» жамоа хўжаликлари ва «Гулистон» давлат хўжалиги аҳолисининг турмушини енгиллаштирди. Вилоят автомобиль йўллари бошқармаси жамоаси бу йўлни қуриб битказди. Утган йили йўлсозлар ҳаммаси бўлиб 80 километр янги йўл қурдилар, мавжудларини обдон ва ўртача созладилар. Бунинг устига яқин атрофдаги қум-шағаллардан муваффақиятли фойдаланиш, қуёш энергияси ёрдамида шағал ва битумдан фойдаланишнинг самарали усулини қўллаш, йўл агрегатлари ва машиналаридан янги график асосида фойдаланиш йўлга қўйилди. Натижада бир километр йўлни созлаш ўтган йилга нисбатан 4 минг сўм арзонга тушмоқда, бошқача қилиб айтганда, 1989 йилги даражада харажат қилиш билан вилоятда автомобиль йўлларини созлаш ҳажми 33 фоиз кўпайтирилди.

— Ютуқлар билан бир қаторда кўпгина муаммолар ҳам бор, — дейди бошқарма бошлиғи С. А. Оразалиев. — Бутун 1990 йил давомида дизель ёнилғи улгуржи нархларининг ва юк ташиш барча турлари тарифларининг ўсиши билан боғлиқ бўлган ортиқча харажатларни бюджет ҳисобидан қоплаш масаласи ҳал қилинмади. Натижада жамоамиз ўзининг пудрат ва асосий фаолиятида 1,2 миллион сўм зарар кўрди. Ишлаб чиқаришни моддий-техника билан таъминлаш ва йўл-қурилиш техникасини янгилаш муқим тусда эмаслиги яна бир қийин масаладир. Йўл хизмати ходимлари иш ҳақини ошириш масаласи ўз вақтида ҳал қилинмаётганлиги ҳамда жумҳурият Олий Кенгашида автомобиль йўллари тўғрисидаги қонун қачон кўриб чиқилиши маълум эмаслиги йўлсозларни айниқса ташвишга солмоқда.

(ЎзТАГ).

Москвадан хушхабар

Бутун мамлакат тўй қилади

Буюк ўзбек шоири, Шарқнинг етук мутафаккири Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги тўйини мамлакат миқёсида муносиб нишонлаш мақсадида Москвада Бутуниттифоқ юбилей комиссияси ташкил этилди. Унинг, таркибига қуйидагилар киритилдилар: В. В. Карпов (раис), И. А. Каримов (раиснинг биринчи ўринбосари), О. Э. Еқубов (раис ўринбосари), С. П. Колов (раис ўринбосари), Ю. И. Суровцев (раис ўринбосари), Ҳ. Исмоилов (масъул котиб), С. О. Азимов, Ч. Т. Айтматов, Г. А. Анжапаридзе, И. О. Аузинь, С. А. Баруздин, В. Э. Беэкман, Ю. В. Бондарев, А. А. Вознесенский, Р. Ҳ. Ҳамзатов, Н. Н. Губенко, В. И. Гусев, Е. А. Евтушенко, С. П. Залигин, И. Зиедонис, В. В. Зуенок, С. Н. Иванов, М. Қаноатов, С. Б. Капутикян, Ш. З. Камолхўжаев, Р. Ф. Казакова, Мустай Карим, Д. Н. Қуғильтинов, Я. А. Козловский, С. И. Липкин, Д. С. Лихачев, В. И. Мартинкус, М. И. Мачаварианн, Э. Б. Межелайтис, Т. Миннуллин, Ю. М. Мушкетик, Наби Ҳазри, Б. И. Олейник, Е. Ю. Сидоров, О. О. Сулаймонов, А. О. Таамм, Максим Танк, И. К. Чобану, К. Н. Яшин.

«Халқ сўзи» таҳрир ҳайъати ушбу комиссия тузилишини жумҳуриятимиз маданияти тарихида буюк воқеа даб ҳисоблайди ва комиссия мажлисларидан ҳисоботлар, унинг таркибига кирган алломалар билан мусоҳабалар уюштиради.

Тошкент вилоятида ташкил этилган «Мусаввир» илмий-ишлаб чиқариш халқ амалий санъати марказида азалий қўл ҳунармандчилиги қайта тикланмоқда. Марказнинг дурадгор-усталаридан бири Убайдулла Қосимов ўз ҳунари билан чет элларда ҳам машҳурдир. Унинг қўлида сайқал топган ёдгорлик сандиқлар Бирлашган Араб Амирлигида, Малайзияда ўзбек халқ амалий санъатининг нодир намуналари сифатида сақланади.

СУРАТДА: Убайдулла Қосимов.
Е. БОТИРОВ олган сурат.

ЖОНКУЯРЛИК

БИЛМАГАН АЙБМАС, ЎРГАНМАГАН АЙБ

Беҳисоб шукур, янги йилнинг дастлабки кунидан эътиборан жумҳурият Олий Кенгаши рўзномаси «Халқ сўзи»нинг янги соллари уйимга кела бошлади. Нишона сони ва дастлабки нусхани қўлимга олган пайтим, аввало кўзларимга суртиб, тавоф қилдим. Чинакам адолат, мустақиллик, ҳақиқат қуёши бирданига нур соча бошлагандай бўлди. «Халқ сўзи» туғилди!». Ҳа, шундай бўлди. Халқнинг буюк денгиз, қудратли тўлқин, енгилмас куч, битмас-туганмас моддий-маънавий бойликлар яратувчи бунёдкор эканлиги тан олинди. Бу рост! «Халқ сўзи» ўзининг ўша нишона сонидаёқ «хамирий»нинг ўзбек тилида йўғирилганлиги, жумҳурият дарёлари суваидан, конлари тузидан баҳра олажаги ва саховатли офтоби тафтида чиниқиб тобланажагини баралла айтган эди. Ушандаёқ унинг истиқболи порлоқ эканлигига амин бўлган ва имон келтирган эдим.

Ҳар қандай улуғ иш ёки янгиликнинг ҳам дастлабки пайтда ўзига яраша ташвишлари, қийинчиликлари, айрим нуқсон ва камчиликлари бўлади, албатта. Улар йўл-йўлакай ҳал қилиниб, тузатилиб, тўлдирилиб, такомиллаштириб борилаверади. «Халқ сўзи» саҳифаларида ҳам худди шундай бир ноаниқлик кўзга ташланиб қолди. Буни рўзномадан қусур топиш мақсадида эмас, балки бир жонкуяр сифатида унинг мутлақо нуқсонсиз бўлишига озгина ҳисса қўшиш ниятида айтиб ўтмоқчимиз. Саҳифаларда «мелодий 1991 йил, 1 январь, сешанба», «Ҳижрий 1411 йил, жадий 12-сана» жумлаларн бор. Шуларга бир қадар тузатиш киритиш лозим. Чунки ҳижрий йил ҳисоби икки хил кўринишга эга. Ҳижрий-шамсий йил ҳисоби ернинг Қуёш атрофида айланиш даврига асосланган бўлиб, айни пайтда унинг 1369 йил жадий ойи кечмоқда. Ойнинг Ер атрофида айланиш ҳаракати асосида яратилган йил ҳисоби эса «ҳижрий-қамарий» дейилади. Қамарий ҳозир Шамсия ҳисобидан 42 йил фарқ қилади. Шу сабабли айни пайтда унинг 1411 йил, жумодиул-охир ойи давом этмоқда.

Аммо бу ўринда яна бир фикрни дангал айтиб ўтмоқ жоиз. Бизнингча, юқоридаги жузъий хато учун рўзнома таҳрир ҳайъатини айблаб бўлмайди. Нега? Марҳамат, ўйлаб кўриб, мулоҳаза қилинг: аждодлар тафаккурининг беҳисоб маҳсули саналган бундай мукаммал тақвимлар ҳам, шулар қатори инсонга ахлоқу одоб, иффату ҳаё, садоқату матонат каби фазилатларни сингдирувчи шарқона урф-одатлар ҳам, расм-русмлару таомиллар ҳам, эскизгина меҳнат маромлари ҳам етмиш йил давомида бир чеккага суриб қўйилди. Уларни ўрганиш ёки амал қилиш у ёқда турсин, шу ҳақда оғиз очган одам тим-тис балога қолаверди. Ҳамиша ғарбона турмуш тарзига юкундик. Ўз миллий ғурур ва ориятларимизга сира тўғри келмайдиган одатлар вужудимизни тобора маҳкамроқ чулғаб олаверди. Натижада юқоридагидек ноёб шарқона фазилатлардан узоқлашиб кетавердик. Маънавий мерослар лаззатини деярли унутдик. Хўш, қани айтинг, ҳозирги ёш авлод биларми-кан буларни? Йўқ, албатта! У таомилларни биладиганлар, эслайдиганлар жуда оз қолдилар. Ҳали кўп ўринларда учраши мумкин бўлган юқоридаги каби хатоликлар сабабини аслида мана шундай аҳволимиздан изламоқ керак эмасми?

Шунинг учун ҳам какса авлод вакиллари ҳали ҳаёт бўлган пайтда бу масалага жиддийроқ ёндашиб, фақат ҳижрий-шамсий ва ҳижрий-қамарий тақвимлари билан боғлиқ гапларнигина эмас, балки халқимизнинг узоқ йиллар давомида юзага келган ҳаёт синовларидан қайта-қайта ўтиб қиёмига етган таомиллари, урф-одатлари, меҳнат маромлари ва шулар билан боғлиқ ҳикояти ривоятларни тўғри ўргансак, тўпласак, ёш авлод онгига мунтазам сингдириб борсак, тарғиб қилсак ниҳоят хайрли ва савоб бўларди.

Аҳмад НАРЗИҚУЛОВ,
меҳнат ветерани, СССР Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

МУҲАРРИРИЯТДАН: Нуқсонларимизни тузатишга ҳисса қўшганлари учун ҳурматли муштарий А. Нарзиқуловдан беҳад миннатдормиз. Заро, фақат оқилу доно нишларгина ўзгаларнинг қам бенуқсон бўлишларини истайдилар.

Биз муштарийлар илтимосига кўра ҳар икки—ҳижрий-қамарий ва ҳижрий-шамсий йил ҳисобларини эълон қилиб боришин лозим топдик.

ИШ БИЛАН ҲАММА ТАЪМИНЛАНСИН!

Утган олти ой давомида маҳаллий саноатнинг Самарқанд вилоят бошқармаси вилоятнинг шаҳар ва ноҳияларида 19 та ишлаб чиқариш комбинатини очди. Уларда ишлаш учун салкам уч минг киши жалб этилди. 90 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Аҳолини иш билан таъминлаш муаммоси қандай ҳал этилмоқда, яна қандай заҳиралардан фойдаланиш мумкин? УзТАГ мухбири Н. Остонов ва маҳаллий саноат вилоят бошқармасининг бошлиғи У. Аслонов шу ҳақда суҳбатлашдилар.

— Убайдулла Аслонович, кейинги тўрт йил ичида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни қай тарзда икки баравар кўпайтиришга муваффақ бўлдингиз?

Биз катта ҳажмда капитал маблағ сарфламай; мавжуд корхоналарни тўла қувват билан ишлатишга интилдик. Маҳсулот турларини кўпайтирдик, синган ойналардан оммабоп буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Мана шунинг ўзигина 600 минг сўм фойда келтирди.

Сопол буюмлар ишлаб чиқаришни ҳам бир неча баравар кўпайтиришга эришдик. Мармар тахталар тайёрлаш билан шуғулландик. Ана шу участкаларда ишлашга бир неча юз кишини жалб этдик.

Тўқимачилик фабрикаларимизда ҳам жиддий ўзгаришлар қилдик. Ана шу фабрикаларда юмшоқ сочиқлар, кўрпа жилдлари ва чойшаблар чиқара бошладик. Бу ерда янги ускуналарни сотиб олишга, илғор технологияни жорий этишга анчагина маблағ сарфлаш талаб этилди. Аммо ҳаражатлар катта фойда билан қопланмоқда.

Биз янги комбинатлар ташкил этиш ҳисобига аҳолини қатъий иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этяпмиз. Биз олис ноҳиялар ва қишлоқларда бўш ётган биноларни ремонт қилиб, уларда корхоналарнинг филиалларини жойлаштирдик. Ана шу ишлар учун жами 400 минг сўм сарфладик. Ҳозир эса шу корхоналарда халқ истеъмол моллаларининг салкам 40 тури ишлаб чиқарилмоқда.

— Сўнгги ўн йиллар давомида биз Самарқандда машҳур бўлган ҳунармандчиликнинг кўпгина сирларини унутдик...

— Бир қанча ишлаб чиқариш комбинатларини ташкил этганимизда айни ана шу қадимий ҳунармандчиликни тиклаш ва ривожлантиришни кўзда тутдик. Масалан, Нурота, Қўшработ, Ургут, Советобод ноҳияларида гиламдўзлик устахоналарини очдик. Уларда ишлашга шу қадимий ҳунармандчиликка қизиққан 200 нафар хотин-қизни жалб этдик.

— Зиғир ёғи ишлаб чиқарадиган 15 та жувозхона очдик. Бунинг учун хом ашёнинг муайян қисмини Қозоғистондан олиб келмоқдамиз ва бунинг эвазига уларга қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етказиб берямиз. Пайариқ ноҳиясида юз гектар майдонда кунжут етиштириш тўғрисида шартнома тузмоқдамиз.

Бундан ташқари ноҳияларда жундан тайёрланадиган буюмлар, бош кийимларни қўлда тўқийдиган цехлар очилди. Ургут ноҳиясида ганчкорлик цехи, Иштихонда ёғоч аравалар цехи ишга туширилди.

— Аҳолининг у ёки бу молларга эҳтиёжи қай йўсинда аниқланади?

Вилоят ҳудудида маҳаллий саноат маҳсулотини сотадиган учта дўкон ишлаб турибди. Мутахассисларимиз харидорларнинг эҳтиёжини ўрганиб, улардан буюртмалар оладилар. Ногиронлар, кексайиб қолган кишилар учун бу ерда кийим-кечакларни арзонлаштирилган нархларда сотиш йўлга қўйилди. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳам кўп иш қилаяпмиз. Масалан, ўтган йилнинг сентябрь ойида Хитой — Туркия байналмилал кампанияси билан болалар ўйинчоқлари ишлаб чиқарадиган қўшма корхона ташкил этиш тўғрисида шартнома тузмоқдамиз. Японияга метални қайта ишлаш заводида тайёрланган алюмин қозонларни валютага сотдик. Аммо ана шу валютани сарфлашга шошилмаяпмиз. Уни фақат арзийдиган ишга сарфлаймиз. Умуман эса маҳсулотимиз Гонконг, Афғонистон, Японияда харидоргирдир.

— Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан янги муаммолар юзага келмадими?

— Аҳвол кўнгилдагидек эмас, албатта. Ташқаридан хом ашё оладиган корхоналарга тўхтаб қолиш хавфи туғилмоқда. Кундалик харид молларини ишлаб чиқарадиган завод Новокузнецк ва Қарағандадан металл қувурлар, томга ёпиладиган тунука олиши керак. Шунга қарамай, ана шу маҳсулотларнинг атиги 10 фоизини олиш учун шартнома тузилди. Пластмасса заводи Сумгаит, Томск, Ангарскдан полиэтилен, полистриол ва бошқа хом ашё олиши керак... Ҳар ҳолда муаммоларимиз етарли.

Яқин келгусида биз яна саккизта йирик иншоотни фойдаланишга топширишни мўлжаллаяпмиз. Ана шу корхоналар ишга туширилгач, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш қарийб 625 миллион сўмлик кўпаяди. Бу ўтган беш йилликдагидан деярли икки баравар кўпдир. Яна 12 минг кишини ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этамиз. Бунинг учун 40 миллион сўм капитал маблағ зарур. Хуллас, истиқбол равшан. Фақат ишлаш керак.

ЯНА ХАЗИНА

Вухоронинг қўриқхона қисмида олиб борилаётган ер кавлаш ишлари натижасида кўплаб ажойиб буюмлар топилмоқда. XIII—XVI асрлар меъморий иншоотларининг қолдиқлари, XIV—XVI асрлардаги кумуш тангалар хазинаси ва бошқа кўплаб ноёб нарсалар шулар жумласига киради. Яна бир хушхабар тарқалди: меъморий обидаларни таъмирлаш илмгоҳининг ходими С. В. Иванютин Тоқи Телпакфурушоннинг Шимолий дарвозаси олдида мис тангалар хазинасини топиб олди.

— Мутахассисларнинг аниқлашларига қараганда, бу тангалар юз йил илгари Бухоро амирлигида муомалада бўлган, — дейди Бухоро музей-қўриқхонаси бўлимининг мудири Г. Урбанов. — Тангаларнинг бирида унинг қиймати қанча эканлигини, у Бухорода зарб қилинганини аниқладик. Ана шу маълумотларга кўра, тангалар Манғит Музаффархон ҳокимлик қилган йилларда Бухоро амирларининг боргоҳидаги Бухоро зарбхонасидан чиққан.

(ЎзТАГ).

Самарқанд вилоятининг Паст Дарғом районидаги «Дилшод» машиний хизмат кўрсатиш уйи тикув цехининг чевари Дилшода Тўраева тикаётган бежирим либослар ҳаммага манзур бўлаётир. Ишчан қиз ойлик режаларни 105—110 фоиз адо этмоқда.

СУРАТДА: Д. Тўраева.

Ғ. АЛИЕВ суратга олган.

ҲАҚ-ҲУҚУҚИМИЗНИ ТАН ОЛСИНЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН ССР МУСТАҚИЛЛИГИ ҲАҚИДАГИ ДЕКЛАРАЦИЯ ВА ЖУМҲУРИЯТ ПРЕЗИДЕНТИ ФАРМОНЛАРИ БАЖАРИЛИШИ ШАРТ

1990 йилда жаҳон миқёсида ҳам, жумҳуриятимизда ҳам тарихда қоладиган анчагина воқеалар бўлди.

Дунёвий воқеалардан иккитасини алоҳида таъкидламоқчиман. Бири — ноябрь ойида Парижда бўлиб ўтган Умумоврупа кенгаши бўлиб, унда қабул қилинган ҳужжат кўп йилларидан бери давом этиб келаётган «совуқ уруш» сиёсатига тамоман барҳам берди. Иккинчиси — СССР, АҚШ, Англия, Франция давлатлари тутган тўғри сиёсат натижаси ўлароқ иккинчи жаҳон уруши туфайли иккига ажратиб ташланган немис халқининг ҳуқуқий талаб, орзу-умидлари ушалди — ГДР ва ГФР бир давлат бўлиб бирлашдилар.

Жумҳуриятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақида қабул қилинган Декларация йилнинг энг муҳим ҳужжатидир. Эркинлик, ўз тақдирини мустақил белгилаш ҳуқуқи — ҳамма халқнинг ўлмас орзуси, курашлари маъноси. Шунинг учун ҳам бу буюк тарихий ҳужжат аҳамиятини бўлажак улуғ ишлар салмоғи билан ўлчаймиз.

Декларацияда белгиланишича, Ўзбекистон бундан буён сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий тарафдан ҳам тўла мустақилликка эришади, ер-сувига, мол-мулкига ўзи эгалик қилади. Агар мақсадлар амалга ошадиган бўлса, нур устига аъло нур! Лекин бу ҳам одатдагидек қоғозда қолиб кетмасмикан, деб қўрқаман. Чунки бунақа декларациялардан анча-мунчасини кўрганмиз. Масалан, Октябрь инқилобидан кейин Иттифоқдаги барча халқлар тенг, озод, ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқига эгалиги қайд этилган икки декларация қабул қилинган эди. Ҳужжатларнинг остида улуғ доҳиймиз Ленининнинг имзоси бор. Лекин кейинчалик амалда нима бўлгани ҳаммага маълум.

Аслини олганда Ўзбекистон ҳар томонлама иқтисодий жиҳатдан ҳам, фан-техника ва маданий тараққиёти жиҳатларидан ҳам ривожланган мамлакат. У шак-шубҳасиз ўзини-ўзи идора қилиш имкониятига эга. Лотин Америкасида Суринам деган кичик бир юрт бор. Майдони — 163 минг 300 квадрат метр, аҳолиси — 480 минг атрофида. У 1975 йилгача Голландиянинг мустамлакаси эди; ҳозир эса мустақил, ўзига тинч давлат. Овруподаги Люксембург деган давлатнинг аҳолиси бундан ҳам оз — 348 минг киши. Лекин у ҳам мустақил, тараққий этган давлат. Қўшнимиз Мўғулистон-чи, бир ярим миллион аҳолиси билан мустақил мамлакат.

Эътибор беринг: Суринам, Люксембург, Мўғулистон — булар бари Бирлашган Миллатлар ташкилотининг аъзоси. Наҳотки, 20 миллиондан ортиқ халқи бўлган, замини бойликлар билан тўла, жуғрофий ва иқлим шароити қишлоқ хўжалиги экинларининг барча турларини, жаҳонда бор барча мева-чевани, қолаверса, буғдойни ҳам, шолини ҳам, гўшт ва ёғни ҳам етиштиришга мослашган Ўзбекистон, ўзини-ўзи идора қилолмаса? Майли, — биз ўзбеклар ҳам янгидан тузилаётган федерацияга, СССРга қўшилайлик. Лекин аввалгидай қарамлигимизча қолмайлик-да! Зеро, «Марказ» ҳам бизнинг ҳақ-ҳуқуқимизни тан олсин-да!

Жумҳуриятимизда ўтган йили содир бўлган яна бир муҳим воқеани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу — ўзбекнинг буюк фарзанди, улкан шоир ва олим Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бутун жаҳон тан олган шоҳ асари — «Бобурнома»нинг 460 йиллиги муносабати билан ўтказилган тантаналардир.

Халқимизнинг руҳини кўтарувчи воқеалардан бири — деҳқонга ер-сув бериш, қишлоқ халқининг турмуш тарзини яхшилаш, уларни ичимлик сув ва газ билан таъминлаш ҳақида Президентимиз Ислом Каримовнинг фармонлари эълон қилиниши. Булар том маъноси билан тарихий воқеалардир.

Шуни ҳам айтиб ўтай: деҳқонга ер берилди, лекин иморатини нима билан қуради у? Бечора деҳқон яна ўша ёғоч, шифер, цемент ва бошқа қурилиш ашёларини ахтариб қориндор ва димоғдор тўраларнинг (бахтга қарши Ўзбекистонда тоталитар ҳокимиятга чек қўйилгани йўқ, Коммунистик партия диктатураси эса тобора мустаҳкамланиб бормоқда) остонасига бош уриб юрибди. Фикримча, фақат фармон ёки қарор чиқариш билан кифояланиб қолмай, фармонларнинг жойларда қандай бажарилишини ҳам қаттиқ назорат қилиш заруратга ўхшаб қолди. Афсуски, бизда ижрони текшириш умуман йўқ даражада.

Ноҳош, бахтсиз дақиқаларга келсак, бу Фарғона фожиаларининг давоми бўлган Бўка, Паркент, Ўш, Узганда юз берган хунрезликлардир. Қолаверса, шундай тинч замонда Совет Армияси хизматига олиб кетилган баъзи йигитларимизнинг темир тобутларда қайтаётгани ҳам 1990 йил китобида мотам сатрлари бўлиб қолади.

Фожиалар ҳақида гапирганда, буни фақат миллий масала билан боғлаш ўта хатодир. Уни қандайдир экстремистлар (воажаб, 30-40 йиллари «Халқ душмани», 60—70 йилларда «дисидентлар» деган тамғаларни ўйлаб топган эдилар!) нинг иши, деб ҳам айтиб бўлмайди. Бу айнан ҳаётий қийинчиликлар, томир отиб кетган адолатсизлик ва ноҳақлик каби ижтимоий иллатларнинг оқибатидир. Лекин ажабланарлиси шундаки, хунрезликларнинг ҳақиқий ташаббускорлари ва айбдорлари ҳар гал очилмай қолди.

1989 йили Тифлисда бўлган тўстўполонларда олти киши ўлди, лекин воқеани ҳалқаро комиссия келиб текширди. Жазосиз қолган бўлсалар-да жиноятчилар топилди. Биз-чи, нима қилдик, нима қилолдик? Жумҳуриятимизда юз берган ҳақиқий хунрезликни, юзлаб қурбонларни ёпди-ёпди қилиб юбордик! Баъзи дин арбобларн эса уни худонинг иродасига йўйдилар. Хўш, худо ноҳақ қон тўкилсин, деб қачон ва кимга айтган экан? Ноҳақ қон тўкиш мумкин дея, қайси муқаддас китобда ёзилган экан?!

1990 йил остонамизга бозор иқтисоди сиёсатини олиб келиб қўйди. Башорат қилмаса ҳам эртанги кунимиз қандай бўлиши бир қадар равшан. «Ҳўкизнинг шохига урса, туёғига зил кетади» деган гап бор. Жумҳуриятимиз ҳали бозор иқтисодига ўтганича йўқ. Лекин бу ҳақда «Марказ»да гап кўтарилган куннинг эртасигаёқ бутун мамлакатда вазият ўзгарди: магазин ва дўконлар бўм-бўш бўлиб қолди, бозорда нархнаво икки баробар кўтарилди. Ҳолбуки, меҳнаткашнинг маоши ўзгаришсиз турибди.

Катта-катта йиғилишларда эса фақат сафсатабозлик давом этяпти, янги-янги қонун ва қарорлар қабул қилнняпти, лекин улар бажарилмаяпти. «Саботаж» деган гаплар пайдо бўлди. Аслида, бу гап фуқаролар урушидан сўнг юзага келиб, кейин йўқолиб кетган эди.

Яқинда жумҳурият Компартиясининг «Ўзбекистоннинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллиги, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва аҳолининг муносиб турмуш шароити учун» деб номланган ҳаракат дастури матбуотда эълон қилинди. Ана шу ҳужжатда Ўзбекистоннинг чинакам сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришиши, халқ учун фаровон ва адолатли турмуш тарзи яратиш ҳақида жуда яхши гаплар айтилган. «Яхши ният — ярим мол». Омон бўлсак, кўрамиз.

Бўрибой АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, профессор.

ЯНГИЛИК САМАРАСИ

Тахнатош дон маҳсулотлари комбинатидаги тегирмонда бир кеча-кундузда илгаригига нисбатан 35 тонна кўпроқ маҳсулот тайёрлана бошланди. Реконструкция ана шундай самара берди. Реконструкция чоғида автоматлаштирилган тарзда бошқариладиган тегирмон ишга туширилди.

Янги техника анчагина малакали мутахассисларни бўшатиб олиш ва улардан бошқа участкаларда фойдаланиш ҳамда уннинг сифатини сезиларли даражада яхшилаш имконини берди.

(ЎзТАГ мухбири).
Қорақалпоғистон.

Мамлакатимиз бўйлаб

Мана, ярим йилдан ортиқроқ муддатдан буён белоруссиялик Андрей Ляшенконинг кўксида сунъий юрак урмоқда. ССЖИ Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Бутуниттифоқ сунъий аъзоларни кўчириб ўтказиш илмий-текшириш институти мутахассислари томонидан зарғарона ўтказилган жарроҳлик туфайли ёш йигит тез оёққа турди. Андрей ўзини бардам ҳис этмоқда, яқинда уйланди ҳам. Витебск вилоят «Кардиология» бирлашмаси унинг саломатлигини мунтазам назорат қилмоқда.

СУРАТДА: Андрей Ляшенко шифокор Михаил Морозов қабулида.

А. ЦЕРЛЮКОВИЧ суратга олган. (ТАСС фотохроникаси).

Уттиз йилдан ошдики, Москва ёнидаги Челюскинчи бекатида ташкил топган СССР Рассомлар уюшмасининг ижодий уйи гарфикачи рассомлар учун ўзига хос академия вазифасини ўтаб келмоқда.

Бу ерда рассомлик санъатининг турли жанрлари бўйича асарлар яратилади. Шу кунларда 1991 йилнинг бошларида Ростов шаҳрида ўтказиладиган кўргазмага жиддий тайёргарлик кўрилляпти.

Суратда: новороссийслик рассом Г. Александров ўз хонасида ишламоқда.

В. ВЕЛИКЖАНИН суратга олган. (ТАСС фотохроникаси).

Биз қандай яшаяпмиз?

МАРДИКОРЛАР

Аё ярроқ, нечук бундоқ
қутулдинг банди зиндондин!
Аён этгил, аён, биз ҳам
қутулсак бир йўла ондин!
(Жалолиддин РУМИЙ)

Эрта тонгда оппоқ рангли «Волга» машинаси Беруний кўчасидаги Мардикор бозори олдида тўхтади. Шоп-мўйлов икки барзанги машинадан тушиб, уч кишини — бир уста ва икки шогирдчасини бошлаб чиқди. Улар жойлашиб олишгач, машина турган еридан шитоб билан қўзғалди.

Катта тезликни ҳис қилган уста, бугун манзилимиз узоқ бўлади шекилли, деб ўйлади. Йўқ, янглишган экан. Етиб келишди чоғи, катта бир дарвоза томон бурилиб, кетма-кет сигнал бердилар. Қўрғон эшиклари жаранглаб очилиб кетди. Хуллас, иш бошланди. Рустам пақирларга лой тўлдириб, томда турган Алишернинг узун арқонига илдиради. У лой тўла пақирни тортиб олиб, суворчи устага етказади. Шу онда мен қудратли техникаларни орзулайман...

Биз ният қилган коммунизм эса саккизинчи осмонда. У ерда ориятсиз, виждонсиз кимсалар қовурилган бедана гўштини газак қилиб, қаҳ-қаҳа отадилар. Ерда эса — бозор иқтисоди. Улардан атиги йигирма қадам нарида қора терга пишган муҳтожлар тириклик учун курашмоқдалар. Сен мени кечир, дунё, мен сендан нафратланаман!

«Ўзбекистонда 45 фоиз аҳоли камбағалликда кун кечираётганлиги сир эмас. Айни пайтда мамлакатимизнинг мудофаа харажатлари неча ўн миллиард сўмларни ташкил этади. Академик Ғ. Арбатов келтирган маълумотларга қараганда биз ялпи миллий маҳсулотимизнинг 9 фоизини ҳарбий мақсадлар йўлида сарфлаётган эканмиз. АҚШда бу кўрсатгич 5,9 фоизни, Японияда атиги бир фоизни ташкил қиларкан». Шу харажатларнинг бир қисмини қашшоқ яшаётганларнинг аҳволини яхшилашга сарфлашнинг иложи йўқми?

Қўлларида андаваси титраб турган уста данғиллама ҳовлига боқиб, саккизинчи осмонда маст-аласт алжираб турганлар ва лойҳандақда қўллари қавариб кетган Алишер билан Рустамга қараб кўзларида ёш айланади, лаблари шивирлайди: «Қунинг қурсин, ҳақиқат!»

Шогирдлар билишмайди: «Ўзбекистондаги пахта, қоракўл тери, ипак, тилланинг 90 фоизи жумҳуриятдан ташқарига олиб кетилмоқда». Уста лабларини тишлайди. Лекин бир бир ўша сўз тишлари орасидан сирғалиб чиқади: «Қунинг қурсин, ҳақиқат!»

Бу — ориятли одамнинг пичирлаб айтган фарёди. Бу — Ўзбекистондаги 9 миллион камбағалнинг оҳу зори. Биз бутун дунёга жар солиб мақтаган, кўкларга кўтарган жамиятнинг ўлкамиздаги қичқинагина чиқитлари, Ғдлян билан Иванов айтганидек, юзтадан, икки юзтадан қўйлари, моллари бор «бойлар» бўлар. Сен мени кечир, дунё, мен сендан нафратланаман!

Беруний кўчасидаги мардикор бозорига ҳеч борганмисиз? Чеккароқдан кузатиб турсангиз, яхшироқ кидузи тепловоз ремонти заводида ишлайман. Тўрт болам бор, оладиган маошим 130 сўм. Хўш, айтинг-чи, шу маош билан қандай қилиб бола-чақа боқиш мумкин? Биздақаларни мўмай пул топса бўладиган цехларга ўтказишмайди. Туб миллат вакили бўлмаганлар эса худди шундай бўлимларга қабул қилинаверадилар. Икки-уч йил ичида уй-жойга ҳам эга бўлишади. Бу бизнинг ўтакетган «байналмилалчилигимиз» оқибати эмасмикан? Эрта-индин бозор иқтисодига ўтсак, нима қиламиз, ҳайронман».

2-талаба: «Отам вафот этган, онам жамоа хўжалигида ишлайди. Бешта йинган бирор одам яқинлашиши билан гуава ўраб олишади.

— Сизга мардикор керакми? Мана мен бораман. Ҳамма иш қўлимдан келади.

Келган одамга умидвор тикилиб турган кўзларга қараб ачиниб кетасиз. Бизни шу кунларга солганларни бўралатиб сўкасиз. Келинг, ана шу ердаги суҳбатларни тинглаб, хулоса чиқарайлик. Уларнинг шартларига биноан исм ва фамилиялари келтирилмайди.

Уста: «касбим фаррош, хотиним ҳам шу ишда. Олтита боламиз бор. Топган-тутганимиз етмайди. Шу боис мардикорчиликка чиқиб тураман. Бундай яшагандан кўра яшамаган маъқул экан. Афсуски, кеч тушундим, энди нима бўлса ҳам болаларни боқиш керак».

Жумҳуриятимиздаги аёлларнинг ўз жонига ўзлари қасд қилишларига, балки мана шу сингари иқтисодий етишмовчиликлар туртки бўлаётгандир? Рўзғордаги камчилигу қийинчиликлар инсон асабини таранглаштиради, ҳаётдан безиради. Аслида оиласи бут, ўзи тўқ одамгина маънавий бойликка интилади. Айнан, маънавий бой халқгина ўз бағридан тарихга буюклар ва даҳоларни етказиб беради, дунёда мисли кўрилмаган кашфиётлар яратади. Бизда-чи?..

1-талаба: «Кечкида ўқийман, кунукам бор. Бизга берилаётган стипендия миқдори сал-пал ошган бўлсада етмайди. Кийиниш, ейиш, китобдафтар олиш керак. Бозорда битта шим 100 сўм, битта кўйлак 30—40 сўм. Аввало чайқовчиларни, текинхўрларни тугатиш керак. Одамларнинг тинкасини ана шунақалар қуритишади. Биз эса ҳалол меҳнат қилиб пул топамиз. Ҳозир пулинг бўлмаса дўстларинг даврасидан, энг ёмони, эътибордан қоласан, киши. Агар ўзимдан ортса, уйга ҳам жўнатаман. Умуман, қилиб юрган ишимдан уяламан, аммо начора».

Мана шундай муҳтожларни милиция ходимлари яқин-яқингача тўпланиб турган жойидан тирқиратиб қувишарди. Улар кўчанинг кўркини бузишармиш ёки қандайдир катта мансабдор ўтармиш бу ердан. Хўп, шундай экан, шаҳар ҳокимларига айтинг, уларга Чорсу бозорининг бирор еридан жой қилиб беришсин.

Турган гапки, қонун ҳимоячилари ўша одамнинг бола-чақасига кўйлак-иштон олиб бермайдилар. Ёки талабага мана ол, йигирма сўм, уйингга бориб кел, демайдилар. Чунки бу уларнинг вазифалари доирасига кирмайди. Агар жуда ёрдам бергилари келса, мардикорлар сафини турар жойи бетайин, келгинди-дайдилардан тозаласинлар. Бунақалар «яримта» винога ишлаб, туппа-тузук йигитларнинг ҳам обрўйини тўкишмоқда.

Муҳтожларни ижтимоий таъминлай олмас эканмиз, ҳач бўлмаса ўз кунларини ўзлари кўришларига имконият яратиб берайлик. Ўзбекистондаги ишчи-хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи Иттифоқ кўрсаткичидан 20, Эстониядагидан 35, РСФСРдагидан 27, Латвиядагидан 23, Литвадагидан 20 фоизгача, жамоа хўжалигида ишловчиларнинг ойлик меҳнатига тўлов Иттифоқ ўртача кўрсаткичидан 29, Эстониядан 22, Латвиядан 75, Литвадан 57, РСФСРдан 43, Қозоғистондан 42 фоиз кам бўлса, бир кунимни кўрай деб мардикорчиликка чиққан одамда нима гуноҳ?

«Умуман, қилиб юрган ишимдан уяламан, аммо начора». — Талабанинг бу сўзлари қулоғим остида жараиглайди. Уксинма, ука, бунинг айби йўқ. Сени ишлатаётган баъзи бойваччаларга нисбатан минг бора ҳалол пул топаяпсан. Оғир бўлса-да, қийналсанг-да, шаънингга доғ тушираяпсан. Бугунги кунда аксарият ўғри-ю рэкетчи ўзига тўқ, саккизинчи осмонда юрганларнинг арзандалари бўлиб чиқишмоқда. Умрида кетмон ушламаган оқ билаклар, сен чеккан азобнинг бир соатига ҳам бардош беролмайдилар. Биламан, ушбу сўзларим сени овутолмайди. Сен сўзга эмас, атиги ҳамма қатори яшашга, ўйнаб-кулишга муҳтожсан. Буни мунгли кўзларинг, оғриқ юрагинг сўзлаётир.

Эшитганмисан, ука, 1914—1917 йилларда чор ҳукуматининг фармойиши билан Туркистондан мажбуран мардикор йиққанлар. (Ҳозир ҳам армия баҳона қанчадан-қанча йигитларимиз Россиянинг сон-саноқсиз қурилишларида хизмат қилмоқдалар. Президентимиз жасорати билан бунга чек қўйилмоқда). Халқимизнинг ажойиб полвонларини босқинчилар Сибирга — дарахт кесишга олиб кетганлар. Ўшанда ҳам бири икки бўлмаган камбағаллар юборилган мардикорликка.

Совуқ ва очлик тинкасини қуритган минглаб қора кўзлар Сибирь ўрмонларида абадий қолиб кетганлар. Музликларда соғинчлар, умидлар, армонлар қотиб ётибди. Уларнинг бошида оққайинлар чайқалиб-чайқалиб куйлайди:

Ога, соғ борсангиз аввал
дадамларга салом айтинг,
Югуриб чиққан ул мушфиқ,
онамларга салом айтинг.

Саломлар етиб келди, ўзлари келишмади. Кўзлари нигорон онаизорлар ҳам дунёдан ўтдилар. Жанубда пайдо бўлган минглаб қабрлардан лолалар униб чиқди. Бу томонда баъри қон лолалар куйлайди:

Жамолингга бир тўйсам эди,
Камолингни бир кўрсам эди.

Минглаб юртдошларимизни Сибирга ҳайдаб кетганлар бизга бегона эдилар. Лекин мана бу шоҳсупада ўтириб беданакабоб еётганлар-чи? Улардан атиги йигирма қадам нарида лойга беланиб ётганлар-чи? Онаизор орзу қилган камолинг шуми? Гоҳида эртадан кечгача ишлаб сўнг ҳақини бермай ташқарига қувилган йигитнинг кўз ёши кимни ургай? Ахир, муқаддас Қуръонда ҳам бировнинг ҳақига хиёнат қилганлар қораланадику! Сен мени кечир, дунё, мен сендан нафратланаман!

Назаримда, биз дарз катган сопол косанинг ёриғига термулиб, қачон бир-икки томчи оби ҳаёт оқаркан, деб тамшаниб турган одамларга ўхшаймиз. Чиқмаган жондан умид қилиб, ямоқчига ўхшаб косани ҳар куни бир марта ямаймиз. Тиз чўкиб «синмай турғин, косажон» деб саждалар қиламиз. Унга сал ортиқча сув қуйишга қўрқамиз, гўё ёрилиб кетса бизни сув босадигандек. Дарз кетган нарса барибир бир кун иккига бўлинади. Шунинг учун эскисини ташлаб юборий, янги, пахта гулли чинни коса ясаб, ўшандан оби ҳаёт ичишга нима етсин!

Уксинма, ука, биламан, 20 сўм ишлайман деб, 100 сўмлик иш қилдинг, сенинг қўлларинг қаварди, менинг эса юрагим. Буидай тенгсизлик ўғирлик, юлғичлик, порахўрлик, қолаверса, бу ноқис жамиятимиз оқибати. Токи тенгсизлик мавжуд экан, мардикор бозорининг қўшини кўпайиб бораверади. Муҳтож одамни кўчаларда осиғлик турган «Тенглик» деган шиор билан кийдириб, қорнини тўйғазиб бўлмайди.

Уксинма, ука, бугун юрт бошига халқим, элим дайдиган раҳбарлар келганга ўхшайди. Энди Ўзбекистоннинг гўзал жамоли бор бўй-басти билан кўрингай. Сенинг қаварган қўлингга, менинг қаварган юрагимга шифо топилар. Эшитаяпсанми, ука?

Маннон ОТАБОЙ,
«Халқ сўзи»нинг махсус мухбири.

ЭШИКСИЗ ҚЎРҒОН

Шоир Жамол КАМОЛ билан суҳбат

МУХБИР: Жамол ака, яқинда Москвада ўз ишини тамомлаган СССР халқ депутатлари IV қурултойи якунлари ҳақида нима дея оласиз? Қизғин муҳокама, мунозараларга сабаб бўлаётган янги Иттифоқ шартномаси тўғрисида-чи!..

Ж. КАМОЛ: Тўртинчи қурултойдан умидимиз катта эди. Аҳволимизни теран таҳлил этувчи нутқлар эшитмоқчийдик. Амалий, ҳаётий таклифлар кутгандик... Аммо «Совет Иттифоқининг тарқалишига йўл қўймаймиз!», «Қаттиққўл бўлиш керак!» деган умумий хитоб ва чақириқлардан нарига ўтишмади... Президентга янги ваколатлар беришди, унинг ҳокимияти билан бир нарсаларга эришмоқчи бўлишди... Балки бир нарсаларга эришиш мумкин бўлар, аммо кўп нарсаларга эришиб бўлармикин? Ҳолбуки аҳволни тубдан тузатиш учун кўп нарсаларга эришиш талаб этилади. Аввало, холис туриб, иккита саволга жавоб беришга тўғри келади. Биринчиси — Совет Иттифоқи нега тарқала бошлади? Иккинчиси — Совет Иттифоқини сақлаб қолиш керакми? Керак бўлса, нега?.. Афсуски, қурултой аҳли бу саволларни кўндаланг қилиб қўймади ёки қўяолмади. Ҳолбуки, миллион-миллион кишиларнинг дилида ва тилида шу саволлар. Фақат бизнинг мамлакатда эмас, бутун дунёда. Бу саволларни дадил ўртага қўйиб, уларга жавоб топиш ўрнига бутун айбни «бузғунчи кучлар», «сепаратистлар», «миллатчилар»га тўнкашди. Хўш, нега шундоқ қилишди? Буни ҳам изоҳласа бўлади. Ҳалиги саволларни кўндаланг қўйиш ва уларга холис туриб жавоб бериш учун юксак маънавий куч ва юксак маданият керак. Бизда на униси, на буниси бор. Биз бор аҳволни бор ҳолигача сақлаб қолишга ташнамиз, холос. Совет Иттифоқининг тарқалишини миллатчилар, сепаратистларнинг иши деб биламиз. Бу нарса объектив тарихий жараёнлар туфайли, яъни тарихнинг ҳукми билан рўй бераётганини ўйлаб кўриш хаёлимизга ҳам келмайди... «Хўш, Совет Иттифоқини сақлаб қолиш керакми? Керак бўлса, нега?» деган саволларни бериш эса гўёки гуноҳи азимга ботиш билан баробар... Лекин биз қанчалик чўчимайлик, ўзимизни қанчалар олиб қочмайлик, бу саволларни беришга ва уларга жавоб топишга мажбурмиз. Бошқа йўл йўқ.

Ўзингиз ўйлаб қаранг: дунё бозори бор. Унинг асосида шаклланган дунё хўжалиги бор. Бу хўжалик ўзаро иқтисодий интеграцияга суянади. Манфаатлар қоришиб-чатишиб кетган. Масалан, Америка бозорисиз япон капитали, Япония бозорисиз Америка саноати яшай олмайди. Шу йўсинда кичкина Сингапур йирик Канада билан чамбарчас боғланган. Муносабатлар тенг манфаатлар асосида кечади. Ўртада хўжайинлик, қарамлик йўқ. Йўқса, Япония бунчалар ривожланмас, Сингапур бунчалар яшнамасди. Ҳоҳо остин-устунлик рўй берадиган бўлса, бу ҳам бозор—бизнес талаблари, иқтисодий қонунлар асосида. Тепадан туриб буйруқбозлик қилиш натижаси эмас. Ягона хўжаликка уюшиб, ягона бозорга суянган ана шу дунё ғоят илгарилаб кетди. Биз беҳад-беҳисоб қуролярочларимиз ва бениҳоя ривожланган хавфсизлик идораларимиз билан жуда орқада қолдик. Оралиқдаги масофа, мутахассислар айтишларича бир асрга тенг. Тасаввур қилинг: биз йигирманчи асрда бўлсак, улар — йигирма биринчи асрда. Магар улар йигирманчи асрда бўлишса, биз — ўн тўққизинчи асрда... Мана — келиб чиқадиган хулоса. Энди бир асрга тенг ана шу масофани босиб ўтиш учун аввало тўғри йўлга тушиб олиш керак. Тўғри йўл эса дунёга эргашиш, ўзбекча қилиб айтганда, дунёнинг этагидан тутиш деган ғап! Балки бир кун келиб, унинг қўлидан тутишга ҳам муяссар бўлармиз... Иншоолло, ўшанда дунё билан қўл ушлашиб кетамиз. Бу — тарих бизнинг олдимизга қўйган қатъий талаб, ҳаётий вазифа. Аммо ана шу тарихий вазифани бажаришга Совет Иттифоқининг ҳозирги тартиботи йўл қўймайди. Совет Иттифоқи дегани — эшик, қопқалари михлаб-тамбалаб ташланган қўрғон. Москвадан очилган кичик бир даричадан чиқиб, дунё билан муносабат қуриб бўлмайди. Дунёнинг эса бизни кутиб туришга фурсати йўқ. Тўхтовсиз олға босаверади. Ўртадаги масофа ўсаверади. Бугун юз, эртага эса икки юз йил... Москвадаги айрим акалар бу дунёвий жараённи кўриб кўрмаганга олишяпти. Ун тўққизинчи асрнинг даъволаридан, улуғдавлатчилик шиорларидан воз кечишолмаяпти. Тўғриси, уларга ҳам осон эмас. Империядан кечиш кимга осон бўпти, дейсиз? Бошимиздан кечган, биламиз, биз ҳам империя кўрган халқмиз... Аммо бу дунёда ҳамма нарса ўткинчи бўлганидек, империялар ҳам боқий эмас. Айниқса, йигирманчи аср охири учун империя — анохронизм... Чунки у табиатан императив — буйруқбозликка суянади. Буйруқбозликни эса бозор кўтармайди. Шу сабабли Совет Иттифоқи ҳозирги туриши билан дунёга, дунё хўжалигига қовушолмайди. Дунёга қовушолмаган нарсани дунё рад этади. Дунё рад этган нарса муқаррар равишда емирилишга, заволга маҳкум! Мана сизга «Совет Иттифоқи нега тарқала бошлади?» деган саволга жавоб... Ахир, бу ерда яшаётган халқларнинг кўзи кўр, қулоғи кар эмас. Дунё халқлари нималарга эришди, нималарга эришаяпти, дунё қаёққа кетяпти— кўриб, эшитиб туришибди. Радио, телевидение, умуман, ахборот воситалари, алоқа техникасининг ўсиши билан бутун ер юзидан хабардорлик ортиб бораверади. Баланд деворлар, тамбаланган эшиклар писанд бўлмай қоладн. Бунинг таъсирида халқлар ҳозирни реал баҳолашга, истиқболни жиддий чамалашга киришадилар. Ва алалоқибатда эшиксиз қўрғондан қутулишга, ўз тақдирларини ўзлари белгилашга, дунё сафига қўшилишга интиладилар. Буни «сепаратизм» ёки «миллатчилик» деб айблаш беҳуда.

Энди, табийки, иккинчи савол келади: Совет Иттифоқини сақлаб қолиш керакми? Керак бўлса, нега?

Бу саволга шундай жавоб бериш мумкин: Совет Иттифоқини сақлаб қолиш керак, аммо унинг ҳозирги тартиботидан воз кечиш шарти билан. Бунинг маъноси шуки, Совет Иттифоқи тартиботини тубдан янгилаш, уни дунё хўжалиги тартиботига мослаш зарур. Шунча йиллар тарафма-тараф бўлиб, дунёга ўзни қарама-қарши қўйдик, етар, бас энди. Акс ҳолда уни сақлаб қолиш маҳол. «Кўп асрлик буюк давлатимизни (яъни империяни!) сақлаб қолайлик!» деган дод-войлар бефойда. Тарих барибир ўз ҳукмини ўтказади.

Хўш, нима қилиш керак? Такрор айтаманки, дунёдан, дунё тарихидан ўрнак олиш даркор. Бир пайтлар инглизлар, испанлар, португаллар, голландлар, французлар, италянлар, турклар нима қилган бўлишса, шуни қилиш керак. Тарихда тараққиёт йўли битта: руслар учун алоҳида йўл, бошқалар учун алоҳида йўл йўқ. Хуллас, тарихий тараққиёт йўлидан бориб, жумҳурият ва барча ўлкаларга мустақиллик бериш керак. Хўш, унда Совет Иттифоқининг ҳоли не кечади? Ҳамма тўрт томонга тарқалиб кетмайдими? Буидай деб ўйлаш аноийлик, тарихий истиқболни кўролмасликдан бўлак нарса эмас. Ўйлаб қаранг: мустақилликка эришган Болтиқбўйи, Украина, Белоруссия, Молдова, Кавказ ёки Ўрта Осиёдаги жумҳуриятлар қаёққа боришади? Ўз тупроқларини орқалаб, бир ёққа кетишадими? Кўни-қўшни, оға-ини бўлиб (хўжайин-хизматкор бўлиб эмас!) яшашни бизга тарих буюрган. Ҳаммамиз тенг ва озод бўлиб, тарих ҳукми, замон талаби, ҳаёт тақозоси ила янги иттифоққа уюшамиз. Бу эркин иттифоқ ҳозирги зўраки иттифоқдан юз карра мустаҳкам бўлади. Биз истаймизми-истаймаймизми, шундоқ бўлади. Бозор иқтисоди талаблари, дунёдаги мавжуд кучлар нисбати бизни шунга олиб келади. Хуллас, кенг демократик ислоҳотларсиз, халқларнинг, инсонларнинг сиёсий, иқтисодий ҳуқуқларини тўла таъмин этмасдан туриб, тараққиётга эришиб бўлмайди. Дунё билан эркин муносабатга кириш учун унинг эркин қисмига айланиш керак...

Хўш, бизга нимани таклиф қилишяпти? Янги Иттифоқ шартномасини... Ўқиб, бунинг нимаси янги экан, деб ҳайрон бўлиб қолдим. Хўп, борингки, мен бир тушунмаган, авом бўлай, уни ўн беш жумҳуриятнинг барчаси баравар рад этди-ку... «Мана, биз имзо чекамиз» деган бирорта (ҳозиргача!) аноийи топилмади-ку... Шунинг ўзи муносиб баҳо эмасми? Москвадаги марказий идораларга яна нима керак?

Мулоҳаза қилиб қаранг, таклиф этилган янги шартномага имзо чекан жумҳурият бир йўла қўл-оёғини боғлаб, ўзини Марказга тутиб беради: аввало ўз ери, ўз бойликларига тўла хўжайин бўлолмайди; ташқи дунё билан эркин ва мустақил муносабат ўрнатолмайди; чет эллар билан ўз истагича савдо-сотиқ қилишдан маҳрум; миллий банки, божхонаси йўқ; чегаралари шунчаки қоғозда қайд этилган, холос: шаҳарлари бедарвоза — истаган кириб, истаган чиқаверади. Хўш, бунинг нимаси суверен, нимаси мустақил?

Эсимда бор: бир гал ўзаро суҳбатда шоир Туроб Тўла: «Мен Сталин замонида бир йил уй-қамоқ бўлганман», — деб қолдилар. «Уй-қамоқ нимаси?» деб ҳайрон бўлдик. Тушунтириб бердилар: уй-қамоқ бўлган киши остона ҳатлаб, кўчага чиқолмас экан. Биз, Туркистон халқлари етмиш уч йилдан бери уй-қамоқ бўлиб ўтирибмиз, остона ҳатлаб, дунё ғузарига чиқишга ҳаддимиз йўқ. Чамаси эллик миллион аҳоли яшайдиган бу минтақада бир-икки консулхонани ҳисобга олмаганда, на бир хорижий элчихона, на бир хорижий мухбир, на бир хорижий авиаширкат идораси бор. Биз дунёдан сақитмиз, дунё биздан ҳали. Дунё даврасида бор-йўқлигимиз маълуммас. БМТ минбарига чиқиб, бизнинг номимиздан бошқалар сўзлайдилар. Дунё бозорига тушиб, бизнинг молимиз билан бошқалар савдо қилишади. Фарғонада сув тошса, хабарини аввал Лондон, кейин Москвадан эшитамиз. Биринчи бўлиб оғиз очишга бизга йўл бўлсин. Марказ таклиф этган Иттифоқ шартномасига имзо чексак, шу аҳвол давом этаверади.

Хуллас, дунёдан узилган тараққиётдан узилади. Дунёга туташган тараққиётга туташади. Бу соҳада ҳам тарихий тажрибаларимиз бор. Буюк ипак йўли орқали шарқ ғарбни боғлаганда ватанимиз — Турон дунёнинг энг яшнаган ўлкаларидан бири эди. Ипак йўли кесилиб, дунёдан узилгач, давлатимиз тарқоқликка, таназзулга юз тутди. Кейин нималар бўлгани маълум. Ҳалигача ўзимизни ўнглаб ололмаяпмиз.

МУХБИР: Москвада юксак минбарлардан туриб: «Янги тузилажак Совет Иттифоқи — суверен давлатларнинг эркин иттифоқи бўлади», — деб такрор-такрор айтишди. Аммо ана шу эзгу ниятни амалга ошириш қийин бўлаяпти шекилли. Бунинг сабаби нимада, деб ўйлайсиз?

Ж. КАМОЛ: Сабаби маълум. Етмиш уч йил давомида бизда янги ижтимоий қатлам пайдо бўлди — амалдорлар табақаси. Олтмишинчи-етмишинчи йилларга келиб улар савдо аҳли, савдогарлар билан қўшилиб, бирикиб кетишди. Бирида—пул, иккинчисида — ҳокимият. Ҳозир мамлакат шуларнинг қўлида. Балки сиз Америкада ҳам давлат амалдорлар ва савдогар-бизнесменлар қўлида-ку, деб эътироз билдирарсиз. Тўғри, аммо улар у қадар калтабин эмас, ҳамиша узоқни кўзлаб ҳаракат қилишади, тарихий тараққиётга қарши боришмайди. Бу нарса илмий-маданий даражага, инсоний савияга боғлиқ. Бизникилар эса демократик ислоҳотлар ўтказилса, халқларга ҳақ-ҳуқуқ берилса, юксак мавқе ва имтиёзларимиздан маҳрум бўлиб қоламиз, деб қўрқишади. Шунинг учун ҳақ-ҳуқуқ талабгорларига таҳдид қилишади. Шунчаки дўқ-пўписа эмас: ахир, улар қўлида катта ҳарбий куч, қудратли хавфсизлик органлари бор. Аммо зўравонликка суянган иттифоқ — иттифоқ эмас. Бугун бор, эртага йўқ. Жумҳуриятларга тўла мустақиллик бериш керак. Хавфсизлик органлари ҳар бир жумҳуриятнинг ўз ихтиёрида бўлсин. Шунда ҳар ким ўз уйида ўзи тартиб жорий этади. Дунё гузарига битта даричамас, ўн бешта эшик очилади. Дунё даврасидан ҳар ким ўз ўрнини эгаллайди. Аммо улар битта СССР — Озод ва Суверен Жумҳуриятлар Иттифоқида иш кўрадилар. Битта парламент уларнинг ишларини уйғунлаштириб (бошқариб эмас!) туради. Худди Умумевропа парламентига ўхшаб.

МУХБИР: Хўш, унда ҳалиги табақанинг ҳоли не кечади!

Ж. КАМОЛ: Улар қўрқмасалар ҳам бўлади. Дунёда амалдорлар ёки савдогарларсиз бирорта жамият йўқ, бўлмайди ҳам. Жумҳуриятлар мустақилликка эришиб, бозор иқтисодига ўтиларкан, биз, ёзувчилар ўша-ўша, қалам ҳақига кўз тикиб, бир чеккада қолаверамиз, улоқни яна амалдору савдогарлар илиб кетишади. Сабабки, уларда маблағ бор, шароитга мослашиш малакаси бор, оз бўлса-да бизнесменлик тажрибаси бор. Қарабсизки, ҳашпаш дегунча улардан янги бадавлат табақа — миллий буржуазия ўсиб чиқади...

МУХБИР: Шундоқ экан, уларни деб шунча жон қуйдириш шартмикин!

Ж. КАМОЛ: «Буржуазия» деган сўздан чўчиш керакмас. Бутун бошли халқни камбағал — ялангоёқ қилиб, нимага эришдик? Бой-бадавлат кишилар кўп бўлган халқ қудратли бўлишини бугун тушуниб турибмиз.

МУХБИР: «Жумҳуриятлар мустақиллика эришса, атом ва ядро қуролларини уларга бўлиб берамизми!»— деб айрим ҳарбийлар киноя қилишяпти.

Ж. КАМОЛ: Бу ерда киноя ўринсиз. Атом ва ядро қуролларини бўлишга ҳам ҳожат йўқ. Уларнинг бир қисмини йўқотиш, қолганларини йиғиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ихтиёрига топшириш керак. Даҳшатли қуроллар фақат БМТ қўшинларида бўлсин. Шунда дунё тинчийди. Космик тадқиқотларни ҳам БМТга ўтказиш лозим. Шунда ҳисобсиз сарф-харажатларга бироз чек қўйилади. Совет Иттифоқида ҳал этилиши зарур бўлган муаммолардан бири — армия масаласи. Совет Армияси бир ёқлама тарвақайлаб ўсган баҳайбат дарахтга ўхшайди. Ҳар беш аскарга битта офицер тўғри келади. Генералларимиз сони АҚШ генераллари сонидан беш карра зиёд. Рус йигитларининг асосий кўпчилиги — ҳарбий офицерлар. Йўқса, Россияда юз минг қишлоқ кимсасиз, ҳувуллаб ётармиди... Ер ҳайдаб, экин экадиганлар ер тепиб юришибди. Катта командирлар ҳам асосан руслардан. Масалан, Туркистон ҳарбий округи бош қўмондони ҳеч қачон ўзбек, қозоқ ёки ўзга туркистонлик бўлмаган, бўлмайди ҳам. Нега? Негаки муносиб кадрлар йўқ. Нега десангиз, турли афсонаю баҳоналар тўқишади. Аммо афсонаю баҳона тўқишдан олдин ўйлаб кўриш керак: ўша қудратли Америка қўшинларида ҳам ўнлаб юксак лавозимли негр генераллар бор. Биз, туркистонликлар наҳотки ўшалардек ҳам бўлолмасак. Хуллас, армияда ҳукм сураётган бир ёқламаликларга чек қўйиш зарур.

МУХБИР: Жамол ака, сиз яқинда, адашмасам, иккинчи марта Туркияда бўлиб қайтдингиз. Иккинчи халқаро Туркистон қурултойида қатнашдингиз. Таассуротларингиз қандай!

Ж. КАМОЛ: Биз тўрт ёзувчи — Одил Ёқубов, Шукрулло, Тоҳир Қаҳҳор ва мен халқаро Туркистон қурултойида иштирок этдик. У Истанбулда Мустафо Камол Отатурк номидаги Турк культур маркази саройида ўтказилди. Чамаси 700—800 киши қатнашди. Дунёнинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган юртдошларимиз номидан вакиллар келишди. Жумладан, Афғонистон, Покистон, Саудия Арабистони, Туркия, Олмония, Америқа Қўшма Штатларидан. Қурултой уч кун давом этди. Асосий масала — она юрт, Туркистон билан маданий, иқтисодий алоқалар ўрнатиш. Хорижда яшаётган қариб беш миллион туркистонликнинг орзу-истаги мана шу. Улар биз дунёнинг ислаган ўлкасига бемалол бориб келамиз, қанийди юртимизга ҳам шундоқ бориб келолсак, куда-андачилик қилсак, дейишди. Истанбуллик Шаҳобиддин Яссавий, жиддалик Зуҳриддин Туркистоний, нью-йорклик Неъмат Бегиш ва Абдулла Хўжа, мюнхенлик Зиёвуддин Бобоқурбон ва Темир Хўжанинг чиқишлари қизғин қаршиланди. Тошкентда ва Истанбулда ваколатхоналар очилсин, Истанбул — Боку — Тошкент — Олмаота ҳаво йўли бўйлаб тайёралар учсин, деган таклифлар такрор-такрор айтилди. Қурултойда Орол денгизи фожиаси махсус муҳокама этилди. Америкалик юртдошлар Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг бу ҳақдаги мактубини ўқиб, бизга топширишди. Орол қўмитаси раиси Пирмат Шермуҳамедов номига ёзилган бу мактубда шундай дейилади:

«Азиз дўстлар! Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби номига йўллаган, Орол денгизи ва унинг ҳавзаси фалокатлари хусусида ёзилган мактубингиз учун ташаккур.

Гарчи Орол денгизи Совет Иттифоқи ҳудудида жойлашган бўлса-да, унинг жуғрофий ва иқлимий таъсири шу чегаралар билан чекланиб қолмайди, узоқларга ёйилади. Шуни ҳисобга олиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, унинг Атроф муҳити дастури (ИПЕР) Орол денгизини тиклашга қаратилган ҳозирликнинг ҳаракат дастурини тузишга ёрдамлашмоқни ўз зиммасига олди.

1990 йилнинг февраль ойида лойиҳа-ҳужжат Атроф муҳити дастурининг ижроия бошқани М. К. Толба ва СССР Ташқи ишлар вазири ўринбосари В. Р. Петровский томонидан имзоланди. Унда Орол ҳавзасининг табиий ҳолатини тиклашга қаратилган узоқ муддатли ва шошилинч тадбирлар белгиланган ҳамда бу чораларни амалга оширишда Совет ҳукуматига кўмаклашиш йўллари ҳам кўрсатилган.

Оролбўйи ҳавзаси катта майдонни эгаллайди, унинг табиий ҳолатини тиклаш ҳам осон иш эмас. Лекин биз умид қиламизки, қўлни қўлга бериб ҳаракат этсак, муддао ҳосил бўлади — Орол тикланади.

Биз билан ҳамжиҳат бўлиб ҳаракат этасиз, деган умиддамиз.

Эҳтиром ила:

С. ЭВТЕЕВ,

БМТ Атроф муҳити дастури Ижроия бошқанининг ёрдамчиси.

Нью-Йорк, 1990 йил 30 июль».

Қурултойда қутилмаган, ғоят аламмангиз ғаплар ҳам бўлди. Афғонистондан келган юртдошлар бомба тушиб, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий ва Саъдиддин Қошғарий мақбаралари вайрон бўлганини хабар қилишди. Биз бу ёқда юбилей, тантана қилсагу, у ёқда устозларимиз қадамжолари вайрон бўлиб ётса, даҳшат! Ўйлашамиз, бирор чорасини кўришимиз керак.

МУХБИР: Очиғини айтишимиз зарурлигига ийманяпти, нўп йилларки хорижидаги юртдош-эл-дош қаламкашлар, эмёлиларимиз билан алоқаларимиз, борди-келдимиз кўнгилдагидек эмас. Ҳолбуки, мустаҳкам тўташишлар жуда-жуда зарур. Шу ҳақда нима дейсиз!

Ж. КАМОЛ: Қурултойда хорижда яшовчи икки ўзбек шоири ўз шеърларини ўқиди. Америкадан келган Эргаш Учқун ва Афғонистондан келган Муҳаммад Учқун. Яхши шоирлар. Уларнинг ижоди билан халқимизни таништирсак, китобларини Тошкентда чоп этсак, ёмон бўлмасди. Сўнг «Халқ сўзи» рўзномаси шаънига яхши гаплар айтилди. Фарғонадан меҳмон бўлиб борган Муборакхон деган қизимиз рўзноманинг нишона сонида босилган мурожаатномани ўқиб берди. Ўртадаги деворлар қулади, энди қўлни қўлга берайлик, яхши маданий, иқтисодий муносабатлар ўрнатайлик, деган даъватларни қурултой қатнашчилари қарсаклар билан кутиб олишди. Кўпчилик «Халқ сўзи»га обуна бўлиш истагини билдирди.

Журналист Зиёвуддин Бобоқурбон туркистонлик хорижий қаламкашлар уюшмасини ташкил этиш ва шунга хизмат қилувчи махсус нашриёт очиш, ахборотнома чоп этиш нияти борлигини айтди. Менингча, ана шу уюшма билан жумҳурият Журналистлар уюшмаси ўртасида алоқалар ўрнатилса, ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлур эди.

МУХБИР: 1990 йилда жумҳуриятимиз ҳаётида юз берган воқеалар ичида қайси бирини ғоят муҳим деб ҳисоблайсиз!

Ж. КАМОЛ: Яқинда телевиденияда шундай савол берилганда юқори лавозимда ишлайдиган бир йигит: «Пахта планининг бажарилиши» деб жавоб берди... Аввалига ҳайрон қолдим, кейин алам қилди. Москвада шундай савол берилганда бирор кимса ғалла тайёрлаш планини эсламайди. Гарчи яқин ўн йиллар ичида Россияда ғалла плани бирор марта бажарилмаган бўлса ҳам. Биз эса шўримизни қуритган пахта планини гапиришдан чарчамаймиз. Гўё бошқа ғап қуриб қолгандай...

Мен учун бултур юз берган энг муҳим воқеа — жумҳуриятимиз мустақиллигининг эълон этилишидир.

МУХБИР: Қоғоздаги мустақиллик...

Ж. КАМОЛ: Бари бир. Бугун қоғозда бўлса, эртага амалда бўлади. Йигит ҳам бир йўла паҳлавон бўлиб дунёга келмайди. Аввал чақалоқ бўлиб туғилади...

МУХБИР: Жамол ака, сизга кутилмаган бир савол бермоқчиман...

Ж. КАМОЛ: Буюринг...

МУХБИР: Мана, йигирманчи аср ҳам охирлаб қолди. Ғоят алғов-далғов аср бўлди. Шу серташвиш, нотинч асрда одамзоднинг кўпроқ ўйлатган, унинг бошини банд этган тушунчалар, сизнингча, қайсилар!

Ж. КАМОЛ: Худо ва миллат. Худо — борлиқ оламнинг (демак, инсониятнинг ҳам!) бирлиги, бир бутунлиги рамзи. Миллат — башарнинг тириклигининг таянч тимсоли. Бу икки тушунчани инсоният онгидан ҳайдаш, супуриш учун озмунча ҳужумлар қилишдими? Бирликда ранг-баранглик, ранг-баранглиқда бирлик яшайди, дейди диалектика. Худони ва миллатни инкор этганлар ана шу қонунга қарши чиқиш билан инсониятга қарши чиқишди. Инсониятни битта миллатга, боғни битта дарахтга қовуштирмоқчи бўлишди. Ҳолбуки, битта дарахтдан иборат бўлган боғ яшнамайди, сўлади. Битта миллатдан иборат бўлган инсоният яшамайди, ўлади.

Бу фикрни яна давом эттирадиган бўлсак, масала миллий давлат тушунчасига бориб тақалади. Ҳар бир халқнинг ўз миллий давлати бўлиши керак — йигирманчи асрнинг қатъий хулосаси мана шу. Миллат учун ҳеч нарса миллий давлатнинг ўрнини босолмайди. Яҳудийлар икки минг йиллик сарсонлик-саргардонликдан сўнг Исроилни қайта тиклаб, буни исбот қилишди. Бу — бутун инсониятга берилган буюк сабоқ. Бугун Россияни миллий давлат сифатида қайта қурамиз, деб елиб-югуришаётган экан, бу ёлғиз Борис Ельцининг хоҳиш-иродаси эмас, балки бутун рус халқининг миллий манфаатларн шуни тақозо этмоқда.

МУХБИР: Сўнгги савол: янги йилдаги ижодий режаларингиз...

Ж. КАМОЛ: Тўғрисини айтсам, биз, ёзувчи ва шоирлар сиёсатга шўнғиб кетдик. Бу яхшимас. Аммо на илож... Ҳуқуқшуносларимиз мум тишлаб, жим туришганда ёзувчилар, масалан, Абдуқаҳор Иброҳимов жумҳуриятимиз ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқишга мажбур бўлади. Бизда профессионал фикрловчи сиёсатчилар оз. Муҳит, удум уларни етарлича етиштирмади, балки етишиб чиқишга монелик қилди... Шунинг учун истаймизми-истамаймизми, биз сиёсатга аралашамиз. Шаҳр, достон ўрнига публицистик мақолалар ёзамиз. Лекин, ишонамизки, бир кун келиб ҳаммаси ўз ўрнига тушади. Сиёсатчи сиёсат билан, ҳуқуқшунос ҳуқуқ билан, ёзувчи ижод билан шуғулланади. Уша кунларга етказсин!

Энди саволга жавоб берадиган бўлсам, биласиз, «Муҳаммад қиссаси» ва «Будда қиссаси»ни таржима қилдим. Навбат — «Исо қиссаси»га. Шуларни йиғиб, «Пайғамбарлар китоби» номи остида ўқувчиларга тақдим этмоқчиман. Худо соғлиқни берса, яна бошқа ниятлар ҳам бор...

Суҳбатдош Азимбой МУЛЛООЛИМ

ўғли.

ОЛАМУ ОДАМ
ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

САЙЛОВ ЯКУНЛАНДИ

Марио Соареш яна Португалия жумҳуриятининг президенти этиб сайланди. Якшанба куни бўлиб ўтган сайловда бюллетени ҳақиқий деб топилган сайловчиларнинг 70,43 фонзи Марио Соареш учун овоз берди. 66 яшар филология ва ҳуқуқ доктори кўп вақтдан буён аввало профессионал сиёсатчи сифатида машҳурдир, шундай қилиб у навбатдаги тўрт йил давомида Португалия давлати бошлиғи лавозимини эгаллаб туради. Сайловнинг бу натижаси жамоатчилик фикрини сўраб билиш натижаларига бутунлай мос тушади. Жамоатчилик сайловнинг биринчи даврасидаёқ М. Соареш ғалаба қозонади, деган фикрни билдирган эди.

ПАРИЖГА КЕЛДИ

БМТ Бош котиби Перес де Куэльяр ўтган кунда Франция пойтахтига келди, бугун бу ерда у мамлакат Президенти Франсуа Миттеран билан учрашади. Бўлажак музокаралар чоғида Форс кўрфазидаги танглик билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади. Франс Пресс агентлигининг хабар қилишича, Перес де Куэльяр якшанба куни Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн билан уч соат давом этган суҳбат якунларини Франция давлати бошлиғига сўзлаб бермоқчи.

Танглик сақланмоқда

Форс кўрфази атрофидаги вазият ҳозир жуда кескин бўлиб турибди ва дипломатия тадбирларидан фойдаланилмаса, бу танглик чинакам урушга айланиб кетиши мумкин, деди Замбия президенти Кеннет Каунда, якшанба куни Лусакада журналистларга. У Бағдодда Ироқ раҳбари Саддам Ҳусайн билан икки кун музокара олиб боргандан сўнг Лусакага қайтиб келди. БМТ шу региондаги можаронинг дастлабки кунлариданоқ тарин ҳам «фаолроқ ва амалийроқ позицияда» туриши лозим эди, деб таъкидлади Замбия президенти.

(ТАСС).

ИОРДАНИЯ. Лагердаги қочоқлар аҳволи тобора кескинлашмоқда. Ахборот агентлигининг хабар беришича, қочоқлар ва уларнинг болалари кунига бир марта озиқ-овқат оладилар. Ироқдан қочаётганлар Иордания чегаралари томон шошилмоқдалар.

Суратда: қочоқ бола ва ...бўм-бўш тақсимча.

АП—ТАСС телесурати.

МУХТАСАР ХАБАРЛАР

НЬЮ-ЙОРК. Шри Ланка ҳукумати этник можаронн музокаралар ёрдамида бартараф этишга уринниб кўриш учун Оролда ҳаракат қилаётган «Тамил иламо» озодлик йўлбарслари» (ТОТИ) тамил ажрамачилар ташкилотига мансуб жангарилар билан норасмий яраш муддатини яна бир ҳафтага узайтириш мумкин. АП ахборот агентлигининг хабар қилишича, Шри Ланка ҳукуматининг ўз исмини айтишни истамаган юқори мартабали бир вакили Коломбода бугун шуларни таъкидлаган.

Янги йил арафасида «йўлбарслар» бир томонлама тартибда ўқ отишни тўхтатдилар. Бир оз иккиланишдан сўнг маъмурлар бу ишни қўллаб-қувватлашга ва жангарилар билан ҳукумат қўшинлари аскарларига 10 кун дам беришга қарор қилдилар. Аскарлар экстремистларга қарши чўзилиб кетган жангларда роса ҳориган эдилар.

ТОТИ ҳукуматга мурожаат қилиб, яраш муддатини узайтиришни таклиф этди. Мактубда таъкидланишича, бу «вазиятни нормаллаштириш ҳамда тинч музокаралар ўтказишга шароит яратиш» учун зарур.

ҚОҲИРА. Миср ҳудудида қўпорувчиларнинг яна бир гуруҳи қўлга олинди. Миср Араб Жумҳуриятн ички ишлар вазири Муҳаммад Абдул Ҳалим Муса ана шуларни таъкидлади.

У портлатгичлар ва жуда кўп доллар ғамлаб олган жиноятчилар Сувайш канали атрофида ва Александрияда қўпорувчилик ишларини ташкил қилиш ниятида бўлганликларини уқтирди. Вазир мисрликларга мурожаат қилиб, шундай қўпорувчи гуруҳлар пайдо бўлгани тўғрисидаги барча маълумотларни маъмурларга дарҳол етказишни сўради.

(ТАСС).

Меҳрингизни дариғ тутманг

МЕНИНГ ОНАМНИ КЎРМАДИНГИЗМИ?

Сиз етимхоналарда улғаяётган болалар билан суҳбатлашганмисиз? Уларнинг жовдираб турган кўзларига боққанмисиз?

Болалик бахтидан бенасиб бўлиб эрта улғайган етимлар... Болалар уйи дарвозасига ҳар куни умид билан, илинж билан боқувчи нигоҳлар... Дарвозадан кириб келган ҳар бир кишини исмсиз саволлар гирдобига ғарқ айлагувчи нигоҳлар бу! Уларнинг кўзларида қотиб қолган саволни, изтиробни уқиш қийин эмас: «Сиз менга келдингизми?»

Ҳайҳот, бу не кўргиликки, ота-онаси тирик бўла туриб уларнинг меҳрига, мурувватига ташна яшашса?! Ёруғ дунёга келиб кимгадир оталик бахтини, кимгадир оналик мартабасини ҳадя этган, бироқ ўзлари меҳр-мурувватга ташна болаларни, тўғрироғи, тирик етимларни кўрганда вужудингда чидаб бўлмас оғриқ сезасан киши. «Бахтли болалик учун — партияга минг раҳмат!», «Ҳамма яхши нарсалар — болаларга!» каби дунёвий шиорларга ўрганиб қолган тиллар тутилади, юраклар изтиробга тушади.

Сирдарё вилояти Комсомол райони ҳудудидаги 27-болалар уйи жумҳуриятимизнинг 160 та оғриқли нуқталаридан бири.

— Биз болалар тарбияси учун қўлимиздан келган барча ҳаракатни қиламиз. Бу бурчимиз, — дейди болалар уйи директори ўринбосари В. Н. Яськин. — Бироқ булар барибир ота-она меҳри тарозиси палласини босолмас экан.

Бу ерда бир юз беш нафар бола тарбияланади. Бир юз беш хил тақдир, изтироб. Улар билан суҳбатлашсангиз, дардлари бир дунё. Ҳатто беш яшар Санжарда ҳам болалик беғуборлигини кўрмайсиз. Масъум, бир чимдим меҳрга зор, бироз ҳадик билан боқади сизга. Бу ердаги болаларнинг 87 нафари тирик етим, 18 нафарининг эса ота-онаси вафот этган, қариндошлари қўлида қолган. Уларнинг уйидан эса...

Халқнинг фаровонлиги, юртнинг осойишта-кўркамлиги болаларга бўлган муносабат билан ўлчанади. Агар ёруғ дунёга келиши сабабчилари улардан тонсалар-чи? Бу дарднинг оғир юкини ким ўз елкасида кўтаради, ким?!

Болаларнинг келажак тақдиридан кўп йиллик тарбиячи Гульфира Рустамова изтиробга тушади: «Болалигида улар ҳеч кимга керак бўлмайди, қўлидан иш келиб қолгач, қариндошлари кўпаяди».

«Мен ҳар куни онамни кутаман. Келмаяптилар. Туғилган кунимда ҳам кутдим», — дейди малла сочли қизалоқ Света. Бу сўзларни лоқайд эшитиш мумкин эмас. Шунчаки эшитиш учун юрак музга айланган бўлиши керак.

Улуғ Ватан уруши йилларида минглаб етим болаларга меҳр-шафқат кўрсатган, бағри кенг, сўнгги нонини ҳам меҳмон билан бўлишиб ейдиган халқнинг бугунги авлоди ўз фарзандларига эътиборсиз, меҳр-оқибатсиз бўлса...

«Моддий қийинчиликлар туфайли боламни боқишга қурбим етмайди. Шунинг учун фарзандимдан воз кечаман. Уни истаган одам асраб олиши мумкин. Оналикни даъво қилмайман». Бу ёзувлар деярли барча болаларнинг тақдиру келажакларини осонгина ҳал этади-қўяди.

Болалар уйида бир оиланинг икки ва ундан ортиқ фарзанди ҳам бор. Меҳр ришталари узилмасин учун улар бир хонага жойлаштирилади.

Бу ерда жиззахлик Лена исмли қиз бор. Ота-онаси бўлишига қарамай уни ҳеч ким йўқламайди. Ун йил бадалида атиги беш марта йўқлаган онани она дейиш мумкинми? Отани-чи? Ахир бундай тақдирга маҳкум этилганлар бир эмас, бир юз беш нафар! Имонли ота-она эса ўзи тирик туриб фарзандларини етимхонага топширмайди, қалбини бир умр мажруҳ қилмайди.

Тўқчилик замонида етим ва етимхоналарнинг кўпайиб кетаётгани аламлий удумларимиз, маънавий қадриятларимиз топталиши оқибати эмасмикан? Момоларимиз «Бир фарзандга етти маҳалла ота-она» деб кўп айтишади. Бугунги кунга келиб уларни нафақат маҳалла аҳли, ҳатто ўз ота-онаси ҳам тергай олмайдиган бўлиб қолди. Кейинги авлод «беш кунлик дунёда» яшаб қолишнинг пайида бўлмоқда. Натижада жумҳуриятимизда бир эмас, олти мингдан зиёд етим бор. Бу фақатгина болалар уйларида тарбияланаётганлари...

Баъзи болаларнинг ота-оналари маст-аласт, ёқавайрон бўлиб келадилар. Шундоқ ҳам кўнгли ўксик бола отаси ёки онасининг қиёфасини кўриб тенгдошларидан уялади, изтиробга тушади. Яша, Миша, Наташа исмли уч ака-сингилнинг гуноҳи нима эдики, беш йилдан буён ҳеч ким йўқламайди. Онаси фарзандларидан «қочиб» юрибди. Наташа онаси борлигини бутунлай унутган.

«Қизгинам, ақллигинам! Мен сени жуда соғиндим. Эсингдами, сени эркалагенимда қандай қиқирлаб кулардинг. Туннар мунаввар бўларди ўшанда. Сен бугун ўн беш ёшдасан. Сени туғилган кунинг билан табриклайман. Мен сени албатта олиб кетаман. Сени ўпиб ОНАНГ».

Бу бир қизалоқнинг ёстиғи тагидан топилган мактуб. Ўзи тўқиган афсонага ўзи ишониб, умид билан яшаётган қизалоқ...

«Отамни эслолмайман. Онам эса саккиз ёшимда вафот этдилар. Сўнггра холаларим акам билан мени шу ерга келтиришди. Ҳозир учинчи синфда ўқияпман, — дейди Наргиза исмли қизча. — Бу ерга келганимизга тўрт йил бўлди. Ҳеч ким йўқлаб келмади. Синглим Тожинисони кўргим келади. Уни бир аёл ўғирлаб кетибди. Ўратепада яшар экан. Дўстликда яшовчи Инобат холам ҳам, 27-совхозда турадиган Сайёра холам ҳам синглимни қайтариб олишга ҳаракат қилишибди, аммо у аёл бермабди». Қизалоқ нигоҳини бир нуқтага қадаганча туриб қолади. Унинг киприклари ёшдан намланади.

— Сен буни қаерда эшитдинг? — деб сўрайман.

— Акам ўтган йили лагерга борганда топиб келди. Холамни ҳўша томонларда учратган экан. Сизларни кўргани боракан, деб ваъда беribдилар. Шундан сўнг ҳам бир йил ўтди...

У холаларининг тўрт йилдан сўнг бўлса ҳам мурувват қилиб келишларига ҳар куни ўн, ҳатто юз марталаб ишонтиради ўзини. Холалари сингилларини топишига умид кўзларини тикади. Бироқ билмайдики, агар ўша холаларда озгина диёнат, имон бўлганида эди, аввало бу икки болани етимхонага топширмас, Тожинисони «ўғирлаб» кетишларига йўл қўймасдилар.

— Дўстликдаги уйимизда онам ва синглимнинг суратлари бор. Хатда жўнатиб юборишса ҳам бўладику! Мен эса уларнинг адресини билмайман.

Тирик етимлар йил сайин кўпайиб кетаётганига нафақат меҳр-оқибат кўтарилаётгани, балки нопокликнинг тақдирланаётгани ҳам сабаб бўлмаётганмикан? Ахир қачондан буён бизда никоҳсиз туғаётган аёллар эътиборланадиган бўлиб қолди? Беш ва ундан ортиқ фарзанд туғиб тарбиялаган она ўз ҳақ-ҳуқуқини сўраб-суриштиришга, талаб этишга ҳамма вақт ҳам журъат қилавермайди. «Мендан бошқа аёл бола туғмаганми» дея ори келади. Ёлғиз оналар эса ҳар жойда ҳозиру нозир. Барча қонунлар уларни ҳимоя қилади, тақдирлайди. Оқибатда эса янги-янги болалар уйлари қурилаверади, у ерда тарбияланаётганлар сони ортаверади. Нопокликни тақдирлаш эмас, жазолаш пайти келмадимикан?

— «Болалар уйи», «етимхона», «қариялар уйи» деган сўзлар халқимизга ёт нарса эди, — дейди Гулистон райони Крестьянск қўрғон Кенгаши ноибаси Манзура Зиёева ўкинч билан. — Бундан етмиш йил аввал «етимхона» деган сўзга ҳеч ким тушунмасди.

Сахийқалб халқимиз энг оғир йилларда ҳам етим-есирларни эъзозлаган. Баъзи халқларда очарчилик йиллари ўз фарзандини ейишдек мудҳиш гумроҳлик қилинган бўлсада, Туркистонда етимлар, сағирларга мурувват кўрсатилган. Ўз миллий қадриятларимиз, удумларимиз, имону диёнат бутунлиги, одамлар ўртасида кўтарилаётган меҳр-оқибатни қайтарсаккина, халқимизга ёт бўлган «етимхона», «қариялар уйи» деган сўзларни луғатимиздан итқитиб ташлаш имконияти туғилар эди.

Эътироф этиш керак: «Болалар уйи»да барча шароит мавжуд. Педагог кадрлар етарли. Оталиқ ташкилотлар ёрдами сезиларли. Тарбиялануvчилар райондаги 14-ўрта мактабда таҳсил олишади. Мактаб ва болалар уйи ўртасида мунтазам алоқа ўрнатилган. Бироқ «болалар уйи» ҳудудида ўзбек тилида ёзилган биронта лавҳа ёки кўргазмали воситага кўзингиз тушмайди. Барчаси рус тилида ёзилган. Шунингдек, бу ердаги таълим-тарбия ишлари ҳам рус тилида юритилади. Фақатгина янги келган русчани билмайдиган болаларгагина ўзбек тилида гапирилади, у ҳам бўлса тил ўргангунга қадар...

— Бу ерда турли миллат болалари бор, — дейишди тарбиячилар. — Рус, чуваш, уйғур... Мен эса эътироз билдираман. Тарбия болаликдан бошлангани каби тил ўрганиш, ўзи яшаётган тупроқнинг туб аҳолисини ҳурматлаш ҳам болаликдан барг ёзади.

Куну тунларини ота-она меҳрига зор бўлиб ўтказаётган, бағри кемтик болалар билан хайрлашаман. Кетаётганимни эшитиб, Наргиза ёнимга чопқиллаб келади: «Синглимни топишга ёрдам берасизми?» — дея сўрайди. Унинг кўзларида тўла илтижо кўраман. «Менинг онамни кўрсангиз айтиб юборинг. Яқинда туғилган куним, — дейди Феруза. — Сиз ҳам келинг».

Ҳар ойнинг 20-сида болалар уйида «Туғилган кун» нишонланади. Шу куни бир юз беш жуфт нигоҳ йўлга термулади. Масъулиятни, бурчни унутган тошмеҳр оталару бемурувват оналари йўлларига умид кўзларини тикади. Мен худодан уларга инсоф, диёнат тилайман, сизларга эса сабр-бардош.

Армонлар, орзулар, соғинчлар қоришиб кетган болалар уйидан қайтаяпман-у бутун вужудимда оғриқ сезаман. Юксакликка учишга шай, бироқ қаноти қайрилган, бағри кемтик нигоҳлар ўртайди мени. Шунда беихтиёр қачондир ўқиганим — онасини йўқотган ҳабаш боласи ҳақидаги воқеа ёдимга тушади.

Оломон орасида онасини йўқотиб қўйган қоп-қора бола кўзларида ёш билан онасини қидиради. Учрагандан волидасини сўроқлайди.

— Менинг онамни кўрмадингларми, менинг онажонимни?! — дея чор-атрофга жовдираб боқади.

— Онанг қандай аёл, қиёфаси қанақа? — сўрашади томошаталаб йўловчилар.

— Менинг онам ҳаммадан меҳрибон, гўзал ва оқила аёл! Менинг онам барча оналарнинг энг яхшиси!

Мени кузатаётиб онасини айтиб юборишимга, қариндошларидаги мудраган меҳрни, шафқатни уйғотишимга, синглисини топишда ёрдам беришимга умидвор боқиб турган полапонлардан «Сенинг онанг қандай аёл?» дея ҳаёлан сўрайман. Саволим бежавоб қолади. Болаларнинг нигоҳларидаги соғинч, дард, мунг қоришиб кўз ёшларга айланаверади. Мен эса уларнинг ҳайқиришини истайман, токи сўқир қалблар ғафлат уйқусидан уйғонгунга қадар ҳайқираверинг, болажонлар, дегим келади.

Мавжуда ТОЖИБОЙ қизи,
«Халқ сўзи»нинг
махсус мухбири.

Хорижий меҳмонларимиз

СУКУНАТ ТАЪСИРИ ҲАМОН СЕЗИЛАДИ

Туркиядан Тошкент даалат дорилфунунига бир гуруҳ меҳмонлар ташриф буюришганди. Рўзномамиз мухбири Анвар ЖЎРАБОЕВ делегация раҳбари Мақмед Жемъи Демир ўғли билан учрашди.

Анвар Жўрабоев: — Муҳтарам Демир ўғли жаноблари, Сиз билан суҳбатлашиш имконига эга бўлганимдан мамнуниман. Муштарийларимизга ўзингизни таништирсангиз.

Жемъи Демир ўғли: — Мен 1926 йилда туғилганман. Истанбул дорилфунунини тамомлаганимдан кейин ўша билимгоҳда ассистент, доцент, профессор лавозимларида ишладим, олти йил деканлик қилдим. 1980 йилдан буён эса ректорман. Касбим — табиб, юрак хасталиклари бўйича мутахассисман.

А. Ж. — Дорилфунунингиз билан ТошДУ орасида қандай фарқлар бор? Туркияда олий таълимнинг ўзига хос белгилари нималарда?

Ж. Д. — Бу икки дорилфунун орасида ташкилий фарқлар мавжуд, холос. Масалан, Истанбул дорилфунунида фан куллиёти бўлиб, унинг риёзат, физика, кимё каби бўлимлари бор. Тошкент дорилфунунида эса бу бўлимларнинг ҳар қайсиси алоҳида-алоҳида куллиёт экан. Бизда илмий тадқиқот олийгоҳлари дорилфунунларга қарайди. Бу ерда бўлса улар академия тасарруфида экан. Туркияда докторлик илмий даражасига эга бўлмаган киши профессорлик лавозимига қабул қилинмайди. Бу ерда докторлик даражасиз ҳам профессор бўлиб ишлаш мумкин экан.

А. Ж. — Айтинг-чи, Туркияда Абу Али ибн Сино таълимоти ўрганиладими?

Ж. Д. — Ҳа, кенг ва чуқур ўрганилади. Дорилфунунимиз қошида тиббиёт тарихи олийгоҳи бўлиб, бу ерда тиббиёт тарихига оид илмий тадқиқотлар олиб бориш билан бир қаторда, халқаро анжуманлар уюштирилиб турилади. Туркия жумҳурият маданият бошқармаси бундан тўрт йил аввал ибн Сино фаолиятига бағишлаб махсус халқаро анжуман ўтказганди. Шуниям таъкидламоқчиманки, ҳозир ибн Сино асарлари турк тилига таржима қилинмоқда.

А. Ж. — Ўзбек олимларидан Туркияда кимлар машҳур?

Ж. Д. — Буюк мунажжим Улуғбек ва Али Қушчидан тортиб Фитратгача. Шунингдек, Ҳамид Сулаймоннинг номини айтгим келади.

А. Ж. — Туркия билан Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар Сизни қониқтирадими? Уларни янада яхшилаш учун нималар қилиш керак деб ўйлайсиз?

Ж. Д. — Алоқаларимиз кўнгилдагидек деб айтолмайман. Етмиш йиллик сукунатнинг таъсири ҳамон сезилиб турибди. Ўзбекистон билан Туркия орасидаги алоқаларни кескин яхшилаш керак, бунинг учун нима зарур бўлса, ҳаммасини қилиш лозим, деб ўйлайман.

А. Ж. — Туркиядаги ўзбеклар тўғрисида гапириб берсангиз.

Ж. Д. — Туркияда яшаётган ўзбекларнинг сонини аниқ айтиш қийин. Улар Туркияга Ўрта Осиё ва Қозоғистондан ташқари Афғонистон, Покистон ва бошқа мамлакатлардан келишган. Булар орасида Иброҳим Ерқин машҳур олимлардан бири ҳисобланади. Марҳум Камол Лукмон ҳам таниқли фозиллардан эди.

А. Ж. — Ўзбекистонга илк бор келишингизми? Сизга нималар ёқди, нималар ёқмади?

Ж. Д. — Ҳа, биринчи марта бўлишим. Лекин мен бу ерда ўзимни бегона эмас, худди ўз юртимда юргандай ҳис этдим. Одамлари очиққўнгил, ширинсўз, дилкаш. Нималар ёқмади дейсизми? Хизмат кўрсатиш соҳасида қийинчиликлар сезилади. Масалан, Туркияга телефон қилишда анча қийналдим.

А. Ж. — Юртимизга ташрифингиздан мақсадингиз нима эди, у тўлиқ амалга ошдими?

Ж. Д. — Биз бу ерга Тошкент дорилфунунининг 70 йиллик тантанасида қатнашиш, ҳамкорлик ўрнатиш учун келдик. Ниятларимиз тўлиқ амалга ошганини мамнуният билан қайд этамаи.

А. Ж. — Ўзбекистонда Туркия консуллигини, Туркияда эса Ўзбекистон консуллигини очиш вақти етмадими?

Ж. Д. — Икки ўлкада консулликлар очиш фурсати аллақачон келгаи! Бу ҳол икки мамлакат орасидаги илмий ва сиёсий алоқаларни кучайтириш, шунингдек иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш учуи кенг имкониятлар яратади.

А. Ж. — Ўзбекистон Олий Кенгаши рўзномаси — «Халқ сўзи» ўқувчиларига нима истаклар билдирасиз?

Ж. Д. — Тушунишимча, «Халқ сўзи» — янги нашр. Мен халқ дили ва иродасини ифодалашда унинг ходимларига самимий тилаклар билдираман. Муштарийларингиз ва халқингизга соғлиқ, тинчлик, омонлик тилайман.

А. Ж. — Самимий истакларингиз учун ташаккур, Демир ўғли жаноблари!

* * *

Усмон Сертқоя: (делегация аъзоси) — Ректор жаноблари ва ўзимча қилиб мен ҳам икки оғиз гапирмоқчиман. Ўзбекистон олимларидан ўзбек тилининг тарихий луғатини яратишларини, Навоийдан аввал ва кейин яшаган адиблар асарларининг тўла нашрини амалга оширишларини кутаман.

Адабий тил такомили, алифбо масаласига келсак, ўзбек халқига айтадиган истагим шуки, ҳозирги Ғарб маданияти савиясига кўтарилиш орқага қайтиб, босиб ўтилган йўлни такрорлаш билан амалга оширилмайди. Боснлган йўлдан юриш тараққиётга тўсиқ бўлади.

Ўзбек халқи жуда яхши келажакка лойиқдир. Ўзбек зиёлилари бу йўналишда энг тўғри йўлни танлай оладилар, деган умиддаман.

СУРАТДА: М. Жемъи Демир ўғли (чапда) ва Усмон Сертқоя.

АНДИЖОННИНГ ЎТМИШИ ТИКЛАНМОҚДА

Андижоннинг Эски шаҳар қисмидаги «Ҳунармандчилик» расталари очиқ ҳаво остидаги этнография музейига айлантирилади. Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятининг вилоят бўлими шундай қарор қабул қилди. Бу ишлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 510 йиллик маъракасига тайёргарлик доирасида амалга оширила бошлайди.

— Яқинда буюк юртдошимизнинг энг машҳур асари — «Бобурнома»нинг 460 йиллигини нишонладик, — дейди тарих фанлари номзоди, Андижон дорилмуаллимининг доценти Сайфиддин Жалилов. — Мазкур асарда ўз вақтида Андижонни ичимлик сув билан таъминлашга ёрдам берган тўққизта қувур эслатиб ўтилади. Ана шу қувурларни излаб топиш учун кучғайрат кўрсатиш, уларни музей экспонатлари сифатида тиклаш зарур деб ўйлайман. Бобур Қўштегирмон деган жойда бувиснинг чорбоғи бўлганлигини ҳам ёзади. Лекин булар ҳақида ҳеч кнм билмайди. Ана шундай тарихнй маълумотларни қунт билан мнсқоллаб йиғишга тўғри келади.

Тошкент олимлари ва лойиҳачилари Эски шаҳарни таъмирлаш режаларини ишлаб чиқишган. Унда тарихий бинолар, кўчалар, гузарлар, Шарқ ҳаммомларини тиклаш кўзда тутилган.

(ЎзТАГ).



Илоё, кучнигга куч қўшилаверсин, болагинам. Фақат уни эзгулик йўлида сарфлагин...

В. МОЛГАЧЁВ сурат-этюди.

Тўғридан қараганда

СЎЗЛАРДА НЕ ГУНОҲ?

Бир кун ҳамфикр ўртоғимга «Босмачи» сўзини ўзимга таҳаллус қилиб олмоқчиман», дедим. Негаки бизнинг касбимиз — журналистлик, бир чети БОСМАХОНА ишлари билан боғлиқ-ку. Ғайритабиий нарсаларга тобора кўникаётган суҳбатдошим барибир гапимга бепарво қолмади. Мийиғида кулди-да, «Икки марта кўмилган Сталин иккинчи марта туғилмаслигига ишончинг комилми?» деб қўйди ўйчан.

Бошқа бир сабаб билан ҳамиятим яна уйғонди. Касбдошимнинг қўлёзмасини ўқиб ўтириб «гуруҳбошн» деган янги сўзга кўзим тушди — у «бригадир»нинг ўрнида қўлланилган эди. Мулоҳаза қилдим: нега «гуруҳ-боши», аввало сўзда бироз салбий бўёқ бор («гуруҳбозлик»ка муқояса қилинса), кейин эса ўзак барибир туркий эмас — «гуруҳ» арабча сўз. Синонимларини ўйлаб, ҳаёлимда янги сўзлар ясаб кўрдим — «тўдабоши», эшитилиши яхши эмас. Яна-чи? Шунда хўрланган, бироқ айни гўзал тилимизга хос бир сўз муз парчасини ёриб нигоҳ қилди: «қўрбоши». Бригадирни нега қўрбоши дейиш мумкин эмас? Сабаби — аниқ.

Янгича тафаккур тарзи билан баҳоланса, ҳали аича нарсанинг ўрни қайтадан тайинланиши керак. Тарихимиз (айниқса, 20—30-йиллар) қайта ёзилмоғи, ҳақиқат бор бўйи билан юз кўрсатмоғи — ноҳақ жабрланганлардан жамият узр сўрамоғи шарт. Бу — тайин гап, бироқ тилимиздаги баъзи сўзларда нима гуноҳ? Олайлик «ношир», «печатник» сўзларини айнан «босмачи» деб, «бригаднр»ни «қўрбоши» тарзида ўгиришимизга нима монелик қилади? Албатта, бу ҳали ҳам бизни тарк этмаган қўрқув шарпасининг кезиб юрганидан.

Агар гап умуман «босмачилик» (тарихдаги шартли атама, аниқроғи «басмачество») ҳақида кетаётган бўлса, бу халқимиз ўтмишига бир томонлама ёндошишдан бошқа нарса эмас. Аввало, ҳозиргача ваҳший, қонхўр, ёвуз каби қора бўёқлар чаплаб келиняётган бу ҳаракат қатнашчилари босмачи бўлиб бошқа бироннинг юртига бостириб бормаганликлари ҳар қандай эсли-ҳушли одамга аён. Уларнинг энг катта «гуноҳи» эса ислом динини, мусулмончликни ҳимоя қилганликларидир, (шу хизмат билан улар фирдавса сазовордирлар). Қолаверса, ўз миллати, халқини ҳимоя қилиб, ҳозиргача тавқи лаънатдан қутила олмаётган бечоралар алданган авлод назарида миллий қаҳрамон даражаснга кўтарилган, номларига шаҳарлар қўйилган, ҳайкаллар тикланган, романлар, кинофильмлар бағишланган Фрунзе, Куйбишев, Чапаев бошлиқ тўдалардан раҳмдилроқ, инсофлироқ, инсонийроқ бўлганлар. (Бу ҳақдаги гап бир эмас, минглаб мақолага ҳам сиғмайди)...

«Босмачи», «қўрбоши» каби сўзларнинг фарёдини эшитдим, улар мени безовта қилмоқда.

Ҳавас КАРИМ.

АЖОЙИБ ДУНЁ

«Мода»даги туялар

ОҚ ТУЯЛАР қадим замонларданоқ кўчманчилар ўртасида бағоят қадрланиб келган. Бундай жониворлар фақат султонларга, подшоҳларга, хонларга хос бўлиши керак, деб ҳисобланган. Техника ривожланган ҳозирги кунларда ҳам оқ туялар ўз қийматини йўқотгани йўқ. Асвонлик (Миср) Аҳмад Фаразбий узоқ вақт чатиштириш ишлари олиб бориб оқ рангли туялар етиштиришга муваффақ бўлди. Ҳозир унинг фермасида бундай жониворлардан 55 таси бор. Фаразбийнинг ишлари кундан-куи авж олмоқда. Чунки унинг туяларига талаб жуда кетта. У 1993 йилгача буюртма олган.

* * *

Гугурт қутисидан... кема

АМЕРИКА ҚУШМА Штатларининг 20 яшар фуқароси Роберто Пирроне бўш гугурт қутиларини бир-бирига ёпиштириб машҳур «Титаник» кемасининг нусхасини яратди. Узунлиги олти метр бўлган бу «кема»ни йиғишга Робертонинг тўрт йил вақти сарфланди. Пирроненинг бу ихтироси Монтерн-Парк шаҳридаги музейга қўйилган.

* * *

ЗИНАЛАР БЎЙЛАБ ЮГУРНШ

НЬЮ-ЙОРКДАГИ баланд иморатларнинг зинасидан югуриб чиқиш мусобақаси Сингапурда ҳам ўтказилди. У ердаги баҳсда маррага биринчи бўлиб сингапурлик Го Ким (27 яшар) ва голландиялик Харли Мэрфи (36 яшар) етиб келишди. 64 қаватли (баландлиги 250 метр) банк биноси ичидаги зиналардан улар 13 минутда энг юқорига чиқишди.

* * *

Касби— қутқарувчи

НОЕБ КАСБЛАР кўп. Шулардан бири — мушукларни қутқарувчи. Нью-Йоркдаги жониворларни ҳимоя қилиш хўжалик бошқармасида махсус хизматчи ўрни бор. У ҳар йили икки мингга яқин мушукларни қутқаради. Унинг иши жиддий қийинчиликларга тўла ва хавф-хатарлидир. Жониворларга ёрдам бериш учун унга ўзини машинанинг остига ташлашга, канализация қувурларига тушишга, томларда юришга тўғри келади.

* * *

МАЙХЎР АЙИҚ

ЧЕТ ЭЛ касаба уюшмалари гуруҳи бизнинг мамлакатимизга келганда Курск АЭСи ходимларига айиқ боласини совға қилиб қолдиришганди. Баъзи калтафаҳм одамлар ҳазил қилиб, уни спиртли ичимликка ўргатишди.

Айиқ катта бўлгач, ароққа шунчалик ўрганиб кетдики, агар ичмаса қутириб безовта бўлар, ўзини қафасга урарди.

Бу ҳақда Чернигов-даги Мен ҳайвонот боғининг директори Г. Полосьман хабар топди ва айиқни махсус машинада ҳайвонот боғига келтирди.

У жониворни астасекин даволай бошлади. Дастлаб ҳўл меваданн тайёрланган вино бериб, вақт ўтиши билан унинг қувватини пасайтираверди. Айиқ бора-бора пиво билан ҳам қаноатланадиган бўлди. Даволаш курси аллерьяика дорисини ичиш билан якуиланди.

Бош муҳаррир: Аҳмаджон МУХТОРОВ.

Таҳрир ҳайъати: Анвар ЖЎРАБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Абдували ИМОМАЛИЕВ, Йўлдош ИСМОИЛОВ, Турғун НАЗАРОВ (масъул котиб), Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, Абдукарим РАҲИМБЕРДИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Азим СУЮН, Тоиба ТЎЛАГАНОВА, Муҳтарама УЛУҒОВА, Сайди УМИРОВ, Норбобо ШАКАРОВ, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад ЮСУФ, Ориф ЮНУС.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй.

Индекс: 64608. 4740-буюртма.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12